

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР, МУНИС АЁЛЛАР!




Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
5-mart
payshanba

№ 10 (4448/4366)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz












## ҲАФТА ҚАҲРАМОНИ

Лейтенант Аббос Рўзиқулов 1996 йил 9 февраль куни Навоий вилояти Хатирчи туманида туғилган. 2018 йилда ИИВ Академиясини тергов фаолияти мутахассислиги бўйича тамомлаган. Ҳозирги кунда Навоий шаҳар ИИОФМБ 3-сонли ИИБ 4-сонли таянч пункти профилактика инспектори лавозимида фаолият кўрсатади.

Шу йил 2 март куни кечаси соат 02.00 ларда лейтенант Аббос Рўзиқулов ва профилактика катта инспектори, катта лейтенант Адҳам Пирназаров тунги навбатчилик вақтида ёш боланинг ёрдам сўраб бақирганини эшитиб қолишади. Улар овоз келаётган томонга қараб югуришади. Етиб келиб не кўз билан кўришсинки, 4—5 ёшлар атрофидаги бола Навоий шаҳрининг Жасорат кўчасидаги 23-уйнинг 4-қаватидаги хонадонлардан бирининг балконида осилиб турарди.

Шундан сўнг Аббос Рўзиқулов ҳамкасби Адҳам Пирназаров ва профилактика инспектори ёрдамчиси Жўрабек Баракаевнинг кўмагида 2014 йилда туғилган Р. К. ни қутқариб қолди. Агар осойишталик посбонлари тезлик билан ҳаракат қилмаганида, воқеа аянчли якун топиши мумкин эди. Хайриятки, тунги навбатчилик ташкил этилгани ҳамда профилактика инспекторининг жасурлиги ва жонбозлиги туфайли болакайнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

**Ўз мухбиримиз.**

4 МАРТ – ИИВ ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

# ТО АБАД ВАТАН ДЕБ УРГАЙ ЮРАКЛАР!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул қўшинларида ватанпарвар, бурчига содиқ, мард ва жасур ҳарбийлар хизмат қилишади. Миллий армиямизни профессионал тузилмага айлантириш, малакали кадрлар билан бойитиш, ҳарбий хизматчиларга қулай хизмат шароитлари яратиш борасида бутун Қуролли Кучларимизда бўлгани сингари, ИИВ Қоровул қўшинлари тизимида ҳам кўплабислоҳотлар амалга оширилди. Тизимнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замонавий техникалар ва қурол-аслаҳалар билан таъминланди. Ҳарбий хизматчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш, оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида бир қанча имтиёзлар берилди. Ҳарбийлар ҳам, ўз навбатида, бундай ғамхўрликлардан руҳланиб, янада фидойилик билан хизмат қилишяпти.



2

### ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



8

### ЛУЧШИЕ СТОЛИЧНЫЕ ИНСПЕКТОРА ПРОФИЛАКТИКИ

7



### СЎЗДА СЕҲР БОР...

13



### СИЛЬНЕЙШАЯ КОМАНДА



23

ШОДИЁНА

# ТО АБАД ВАТАН ДЕБ УРГАЙ ЮРАКЛАР!







*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Куни кеча ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ташкил топганининг 21 йиллик тантаналари бўлиб ўтди. Тадбирга соҳа фахрийлари, таниқли санъаткорлар, сўз усталари ва бошқа меҳмонлар таклиф этилди. Саф майдонига оркестр садолари остида Қоровул қўшинларининг жанговар байроғи олиб чиқилди. Майдонда қад ростлаб турган офицерлар, сержантлар, муддатли ва шартнома асосидаги оддий аскарлар юз-кўзида она Ватанга, байроғимизга бўлган муҳаббат уфуриб турарди. Бу эса уларнинг юрт тинчлигини сақлашдек шарафли йўлда эканликларидан чексиз ғурур ва ифтихор туяётганидан далолат эди.

ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондони, полковник Х. Ботиров тантанали тадбирни очар экан, барчани байрам билан муборакбод этди. Қўшинларнинг ташкил топиши, тарихи, тизимни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилган ишлар хусусида гапирди. Қисм ва бўлинмаларнинг жанговар салоҳиятини оширишга улкан ҳисса қўшган фахрийларни эслади. Бугунги кунда миллий армиямизда, хусусан, Қоровул қўшинлари тизимида хизмат қилиб, спортнинг турли йўналишларида нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этаётган, ғолибликни қўлга киритиб, мамлакатимиз довруғини дунёга танитаётган ҳарбий хизматчиларни эътироф этди.

Ўз бурчига сидқидилдан ёндашиб, юксак натижаларга эришаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар топширилди. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган фахрийларга ҳам эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Қоровул қўшинлари фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва таниқли санъаткорлар ҳам сўзга чиқиб, ўзларининг самимий дил изҳорларини билдиришди. Муддатли ҳарбий хизматчи, оддий аскар Оғабек Абдуҳалимов эса сафдошларини ва командирларини қутлар экан, ўз қаламига мансуб «Қоровул қўшинлари – тинчлигимиз посбонлари» номли шеърини ўқиб берди.

Қулай имкон топиб, Оғабекни суҳбатга тортдик.

— Адабиётга, шеъриятга қизиқаман, — дейди оддий аскар Оғабек Абдуҳалимов. — Баъзан ўзим ҳам шеърлар машқ қиламан. Ҳарбий қисмимизда китобхонликка жиддий эътибор берилади. Бу ердаги кутубхонадан фойдаланиб, билимларимни бойитиб боряпман. Келажакда офицер бўлиш ниятим бор. Бугунги байрам тадбири маданий ҳордиқ чиқаришимизга омил бўлди. Қолаверса, фидойилик, жонкуярлик билан хизмат қилган киши доимо эътироф этилишига яна бир бор амин бўлдик.






Тадбирда иштирок этган сўз усталарининг ичакузди ҳангомалари, хонандаларнинг дилрабо куй ва қўшиқлари барчага байрамона кайфият улашди. Ҳарбий хизматчилар шўх-шодон қўшиқларга рақс тушиб, мириқиб дам олишди.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ, «Postda» мухбири.**

**Суратларда: тадбирдан лавҳалар. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

ТАДБИР

# ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

**Дунёнинг турли минтақаларида терроризм ва диний экстремизмнинг янги таҳдидлари пайдо бўлаётгани, оммавий тартибсизликларнинг юзага келаётгани мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг таъсирчан тизимини шакллантиришни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида бир қатор ислоҳотлар ўтказиляпти.**





Босқичма-босқич патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиляпти. Хусусан, барча ходимларни боди-камералар ва планшетлар билан таъминлаш юзасидан зарурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятларни фош этиш мақсадида кўчалар ва бошқа жамоат жойларига видеокамералар ўрнатиш давом этмоқда. Бу эса ўзининг ижобий натижасини беряпти. 2019 йилда республиканинг жамоат жойларида содир этилган жиноятлар сони аввалги йилга нисбатан 8,6 фоизга, кўчаларда содир этилган қасддан одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик, талончилик ва ўғирлик жиноятлари 8,1 фоизга камайишига эришилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда шулар ҳақида сўз борди. ОАВ вакилларига патруль-пост хизмати йўналиши бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар, жамоат жойларида жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Тадбир якунида ОАВ вакиллари Тошкент шаҳар ИИББ Патруль-пост хизмати бригадаси фаолияти билан танишди.

**Жавлон РАҲИМОВ, подполковник.**

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

# «ЭНДИ БОШҚА ОДАММАН»

**Жиззах вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси матбуот гуруҳи кичик инспектори, сафдор Сабоҳат Неъматованинг мазкур соҳавий хизматда фаолият кўрсата бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан, у масъулиятли, интизомли ва меҳнатсевар ходим сифатида жамоада эътибор қозона олди.**

Асосий фаолияти телевидение, газета ва ижтимоий тармоқлар учун материаллар тайёрлаш бўлган Сабоҳат оммавий ахборот воситалари вакиллари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Натижада унинг муаллифлигида ўтган йили 750 дан ортиқ лавҳа ва хабарлар тайёрланди. Шундан 70 таси республика миқёсидаги телеканаллар орқали эфирга узатилди.

Аслини олганда, ички ишлар органлари фаолияти Сабоҳат Неъматова учун унчалик бегона эмас. Бундай дейишимиз боиси, Жиззах шаҳар телевидениесида ишлаб юрган кезлари асосан ички ишлар органларига оид кўрсатувлар тайёрларди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари хизматидан ҳикоя қилувчи «Автобекат» кўрсатуви ўз мухлисларига эга эди. Шу сабаб бўлдими, вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси матбуот гуруҳи фаолияти йўлга қўйилгач, уни ҳам ишга таклиф қилишди. Табиийки, хизматга олинишидан илгари ўтказилган синовларда спорт билан шуғулланганлиги, педагогика коллежида олган билимлари, телевидениеда тўплаган тажрибаси қўл келиб, ўнга яқин номзодлар орасидан у танланди.



— Соҳа мендан мунтазам билимларимни оширишни тақозо этмоқда, — дейди Сабоҳат Неъматова. — Яъни, илгари фақат телевидениеда ишлаган бўлсам, энди газета ва журналлар, радио ва ижтимоий тармоқлар учун материаллар тайёрлаяпман. Ҳуқуқий билимимни ошириш зарурати ҳам пайдо бўлди. Хизматга кирганимдан сўнг ички ишлар органлари ходими зиммасида қандай масъулият борлигини ҳис этдим. Чунки ҳар куни, ҳар қадамда билиминг, хатти-ҳаракатларинг, одоб-ахлоқинг билан қонун посбони эканлигингни исботлашинг, эгнингдаги либоснинг шарафини асрашинг керак. Қисқаси, энди бошқа одамман.

Айтганча, ўтган йили вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ташвиқот қурилмалари билан жиҳозланган мобиль тарғибот автомашинаси фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг ёрдамида ҳозирда муассасалар, ташкилот ва корхоналарда профилактик тадбирлар уюштириляпти. Бу жараёнда қўлланилаётган видеоматериалларнинг барчаси лавҳамиз қаҳрамони томонидан тайёрланган.

Сабоҳат Неъматова Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг дипломи билан тақдирланган. Шунингдек, «Йилнинг энг фаол журналисти», «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танловларининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритган.

Хуллас, Сабоҳат Неъматова — жамоат тартибини сақлаш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшаётган фаол хотин-қизлардан биридир.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

# БУНДАН ОРТИҚ БАХТ ҚАЙДА БОР?



Майор Наргиза Турсунованинг ички ишлар органларида фаолият бошлаганига бу йил роппа-роса 18 йил тўлди.

Ўтган йиллар давомида у Фарғона вилояти ИИБ Ахборот марказида, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасида фаолият кўрсатди. 2011 йилдан бошлаб ҳозирги пайтгача Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси катта инспектори лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

— Сўнгги йилларда ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматлари қатори, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ҳам тубдан ўзгарди, — дейди қаҳрамонимиз. — Тизимга замонавий ахборот-коммуникация воситалари кириб келди, паспорт-виза тартиботи соддалаштирилди. Энг муҳими эса, аҳолига жуда кўп қулайлик ва имкониятлар яратилди. Ҳозир паспорт-виза масалаларида мурожаат қилиб келган фуқаролар илгаригидек навбат кутиб ўтиришмайди, ортиқча оворагарчилик ва қоғозбозликлар камайди.

Майор Наргиза Турсунова ҳар куни эрта тонгда ишхонага кириб келаркан, одамларнинг чеҳрасидаги мамнунлик, шукроналик ҳиссини кўриб ўзи ҳам беихтиёр қувониб кетади. Хузурига юмуш билан кириб келган фуқаролар билан эса доим хуш муомалада бўлади.

— Наргиза опа соҳавий билимлар бўйича катта амалий тажрибага эга, фуқаролар билан муомала қилишда ҳам ёшларга доим ибрат, — дейди бошқарма инспектори, катта лейтенант Давлатжон Мирсаодатов. — Шу боис иш жараёнида ёшларга устоз сифатида кўп масалаҳатлар беради, йўл-йўриқ кўрсатади. Албатта, ана шундай тажрибали ходима билан ёнма-ён ишлаётганимиздан хурсандмиз.

Наргиза Турсунова — бахтли оналардан бири. Ўғли Сардорбек Турсунов Ички ишлар вазирлигининг Фарғона академик лицейида таҳсил олмоқда. У ҳам келгусида ички ишлар органлари сафида ишлаб, эл-юрт осойишталигига муносиб ҳисса қўшмоқчи.

...Юлкамизга баҳор фасли кириб келди. Ҳар галгидек дилбар фасл майор Наргиза Турсуновага ҳам олам-олам қувонч бағишлади. Шогирдлари гулдаста кўтариб, хонасига кириб келишди. Самимий тилаклар билдириб, устозни байрам билан қутладилар.

Инсонга бундан ортиқ бахт борми?

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

## БАЙРАМ ТИЛАКЛАРИ

**Ҳасан НОРМУРОДОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони:**



— Ушбу гўзал айёмда Ўзбекистоннинг барча хотин-қизларини, жумладан, ички ишлар органларининг мафтункор вакиллари ва фахрий аёлларини чин дилдан табриклаб, уларга миннатдорлик билдирмоқчиман. Мен эгнига хизмат кийими кийиб, эркаклар билан бир сафда туриб, ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилаётган аёллар билан фахрланаман.

Сиз нозик елкангизга оғир юкни ортиб, ҳар куни белгиланган масъулиятли вазифаларни уддалай олишингизни ва шу билан бир қаторда, гўзаллик, ақл-заковат ва жозиба соҳибаси эканингизни исботлаб келмоқдасиз.

Ўзлари учун қадрли бўлган осойишталик посбонларини хизматдан, узоқ муддатли ва хавфли хизмат сафарларидан сабр-тоқат билан кутаётган, уларга ғамхўрлик қилаётган оналар ва рафиқаларга алоҳида миннатдорлик билдирамиз. Айнан сизнинг ҳаракатларингиз билан оилада бахт ва фаровонлик ҳукм суради.

Азиз аёллар! Сизга бахт ва яхши кайфият тилаймиз. Доимо чирой очиб, меҳрингиз билан атрофга нур таратишингизни истаймиз. Оилага, фарзандлар, севимли инсонлар ва яқинларингизга кўрсатаётган ғамхўрлигингиз муҳаббат ва меҳр билан ўзингизга қайтсин. Доимо гўзал, соғлом ва омадли бўлинг!

**Шухратжон ШАКИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони ўринбосари, полковник:**



Бугун нозик хилқат вакиллари нафақат аёллар учун анъанавий ҳисобланган соҳаларда, балки давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, сиёсат ва бизнес жабҳаларида ҳам ўзларини намоён этиш баробарида, оиланинг доно, мафтункор, меҳрибон ва нафис фаришталари бўлиб қолишмоқда.

Сизлардаги софдиллик, самимийлик, ишга нисбатан жиддий ёндашув, сеҳрли табассум ва юмшоқ қалбсиз касбимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Сизнинг жозибали овозингиз ва меҳрли кўзларингиз ҳаётни ижобий тарафга ўзгартиришга, янги мазмун билан бойитишга қодир.

Азиз аёллар, сиз тинчлик, муҳаббат ва яратувчанлик тимсолисиз. Айнан сиз ҳаётнинг бошида туриб, янги чўққиларни эгаллашга илҳом бахш этасиз, кишида энг олижаноб ҳисларни уйғотасиз.

Миллий гвардия қўмондонлиги ва шахсий таркиби номидан сизларни ўзида ҳаёт гўзаллигини мужассам этган айём билан қутлаймиз. Ҳар бирингизга хуш кайфият, соғлик, куч-ғайрат, муҳаббат ва оилавий фаровонлик тилаймиз. Кўклам нафосати, офтоб нурларининг тафти қалбингизни илиқлик ва қувончга тўлдирсин, байрамнинг ёқимли онлари кўнглингизда мангу яшасин!

## БИЛАСИЗМИ?

- **Аёлларнинг юраги эркакларнинг юрагига нисбатан тезроқ уради.**
- **Аёллар эркакларга нисбатан икки марта кўпроқ кўзларини пириллатишади.**
- **Аёллар ёғни эркакларга нисбатан секинроқ ҳазм қилишади, шунинг учун уларда семиришга мойиллик кучли.**
- **Аёлларнинг иммунитети эркакларникига нисбатан икки баробар кучли бўлади.**
- **Аёллар сочининг диаметри эркакларникига нисбатан икки баробар юпқа бўлади, шунинг учун эркакларнинг сочи қалин бўлади.**
- **Аёлларнинг мияси эркакларникига нисбатан «қалинроқ», унда 30 фоиз тўқималар кўп, шунинг учун аёллар бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифани эплашади.**
- **Аёлларнинг тилида таъм билувчи рецепторлар кўп.**
- **Аёлларда оғриқли нуқталар кўп, аммо шамоллаш жараёнларини блокировка қилувчи эстроген туфайли аёллар оғриқларни енгилроқ ўтказишади.**
- **Аёллар эркакларга нисбатан рангларни яхши фарқлашади, чунки уларда рангни фарқлаш X-хромосомалар билан тўғридан-тўғри боғланган.**
- **Аёлларнинг териси эркакларникига нисбатан 10 марта сезгирроқ.**



8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

# ОРЗУСИ УШАЛГАН ҚИЗ

Суратда кўриб турганингиз Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони саф бўлинмалари ижтимоий-сиёсий, оммавий-маданий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш отряди «Эзгулик патрули» махсус гуруҳи сафдор-ходими, сафдор Фарангиз Пирназаровадир.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан Хива педагогика касб-ҳунар коллежида ўтказилган давра суҳбати Фарангизнинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Коллежни тугатгач, ўқитувчи бўлишни орзу қилиб юрган бу қиз хизмат кийимидаги ходималарни кўрди-ю, ушбу соҳага қизиқиши ортди. Коллежни тамомлагач, ўз қобилиятини синаб кўриш мақсадида вилоят ИИБ Кадрлар бошқармасига мурожаат қилди.

Жисмоний тайёргарлик ва тест синовларидан муваффақиятли ўтгач, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальонига хизматга қабул қилинди. Аввалига жамоат тартибини сақлаш, аҳоли хавфсизлигини таъминлашдек машаққатли вазифани эркаклар билан ёнма-ён туриб адо этиш унчалик осон бўлмади. Аммо у барчасига сабр ва матонат билан чидади. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ИИВнинг буйруқ ва кўрсатмаларига қатъий риоя қилди. Устоз-мураббийларининг ўгитларига, насиҳатларига қулоқ тутиб, касб сирларини кунт билан ўрганди. Қисқа фурсат ичида мустақил қарор қабул қиладиган, топшириқларни ўз вақтида бажарадиган ғайрат-шижоатли ходимага айланди.

– Зиммамизга аҳоли гавжум жойларда жамоат тартибини сақлаш, вилоятимизга ташриф буюрган сайёҳларга кундалик режаларини амалга ошириш бўйича зарур маслаҳатлар, маълумотлар бериш, уларнинг манзилларига эсон-омон етиб олишлари учун амалий ёрдам кўрсатиш, тўсатдан бетоб бўлиб қолган кишиларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда яқинларини бу ҳақда хабардор қилиш каби кўплаб муҳим вазифалар юклатилган, – дейди сафдор Фарангиз Пирназарова. – Хушмуомалалигимиз, ижобий фазилатларимиз, эзгу ишларимиз, амалий кўмагимиз билан воҳамиз меҳмонларида илиқ таассуротлар қолдиришимиз лозим ва шунга ҳаракат қиляпмиз.

Унинг ППХ батальонида хизмат қилаётганига эндигина икки йил бўляпти. Ўтган давр мобайнида тиришқоқлиги, изланувчанлиги, хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиши туфайли бошқарма раҳбариятининг эътиборига тушди, фидойи ёшлардан бири сифатида эътироф этилди.

– Фарангиз масъулиятли ва шижоатли ёшларимиздан бири, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командири, майор Рашид Султонов. – У зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариши билан ҳамкасбларининг ҳурматига сазовор бўлди. Шунингдек, инглиз ва рус тилларини пухта ўзлаштириб, чет эллик сайёҳларнинг ҳам эътиборини қозонаётир.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*






# НОЗИК ЕЛКАЛАРДАГИ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

**Катта лейтенант Фотима Иброҳимова Наманган вилояти Чортоқ тумани ИИБда, лейтенант Севара Ҳошимова Мингбулоқ тумани ИИБда, лейтенант Гулнозахон Раҳматуллаева эса вилоят ИИБ ҲПБда хизмат қилади.**

– Маҳалла фаоллари, ҳудудий профилактика инспекторлари, мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда ажрашиш остонасида турган оилаларга бориб, юзага келган зиддиятли ҳолатларни ўрганиб, тўғри йўлга солишга ҳаракат қиляпмиз, – дейди Севарахон Ҳошимова. – Жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланган оилаларнинг парчаланиши, фарзандларнинг тўлиқ бўлмаган оилада вояга етиши, ёлғиз аёлларнинг зиммасига оғир турмуш ташвишлари тушиши аянчли ҳолат, албатта. Шу боис бу каби масалалар устида ишлаб, нохуш ҳолатларни бартараф этишга ҳаракат қиляпмиз.

Жонкуяр ходималаримиз оилаларни сақлаб қолиш, аёллар иштирокидаги жиноятларнинг олдини олиш каби муҳим ва масъулиятли вазифаларни бажариш ҳамда билдирилган ишончни оқлаш йўлида тинимсиз изланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, уларни баҳорий байрам билан табриклаб, ишларида улкан зафарлар тилаймиз.

**Азиза ЖОНИЕВА,**
**«На посту» мухбири.**
*Наманган вилояти.*

# ЙИГИТЛАР БИЛАН БИР САФДА

**Қарши шаҳрида туғилган Нафиса мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, ИИВ Академиясида таҳсил олди. Илк хизмат фаолиятини эса Ғузор тумани ИИБ ҲПБда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси лавозимидан бошлади. Тизимдаги янгилик ва ўзгаришларни мунтазам ўрганиб бориб, билим ва тажрибасини бойитди.**

Нафиса 2014–2019 йилларда тергов соҳасида ишлади. Бунда жиноятларни таснифлаш ва қонунчиликдаги янгиликларни амалиётда қўллаш борасида устозлари – подполковниклар Қиёмхон Омонов ва Ориф Бўриевдан маслаҳат олишни канда қилмади.

Аслида, Нафиса Хўжанованинг бу соҳада фаолият юритиши бежиз эмас. Отаси, истеъфодаги полковник Очил Хўжановнинг вилоят ИИБ тизимида турли масъул лавозимларда ишлагани унга туртки бўлган бўлса, ажабмас. Қолаверса қайнотаси, истеъфодаги майор Қаҳрамон Салохов ҳам соҳада самарали хизмат қилган осойишталик посбонларидан бири.

– Болалигимда отамнинг ишдан қайтишини интизорлик билан кутардим. Негаки, эл осойишталиги йўлида хизмат қилаётган отам билан фахрланардим. Онам падари бузрукворимнинг формасини олиб, жавонга илгунча ҳавас билан боқардим, – дейди капитан Н.Хўжанова. – Мен ҳам худди отамдек ички ишлар органи ходими бўламан, деган ҳавас ўша чоғларда уйғонганди.

Айни пайтда Нишон тумани ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори лавозимида хизмат қилаётган капитан Нафиса Хўжанова хизмат фаолияти давомида турли ҳолатларга дуч келади. Ҳар қандай вазиятда ҳам қонунга таяниб, босиқлик ва ақл билан иш кўриб, муаммонинг ечимини топишга интилади.



Умрингни фидойилик талаб қиладиган касбга бағишласанг, бундан қалбинг фахр ҳиссини туяди. Кечагина ёш ходима бўлган капитан Нафиса Хўжанова бугун икки фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи Фаррух Салохов вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси катта терговчиси лавозимида хизмат қилиб келяпти.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*

*Кун ҳикмати*

**Аёл — буюк сўз. Унда қизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассамлашган.**

Н.А.НЕКРАСОВ.

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

# БИРИНЧИ МУОЛАЖА — ШИРИН СЎЗ

Бўлажак шифокорлар билан дастлабки дарсни ўтаётган устоз даволаш ҳақида талабаларнинг тушунчаси билан қизиқди. Табиийки, энди ўқишни бошлаган ёшлардан турли фикрлар чиқар, барчаси жўяли, жонли эди. Айниқса, бир қизнинг гапи ўқитувчига жуда маъқул келди.

— Энг биринчи муолажа – бу ширин сўз, — деди ўзини Хосият деб таништирган талаба. — Чунки ҳар қандай касаллик билан мурожаат қилган беморнинг, аввало, кайфиятини кўтариш унинг ҳаётга, тузалишга бўлган ишончини кучайтиради. Тузалишига ишонган ва руҳий дадиллик билан интилган кишининг шифо топиши осон бўлади.

Тошкент давлат Тиббиёт институтининг даволаш факультети талабаси Хосият Носирова ўқишнинг илк кунидаёқ ўзининг теран фикрлаши билан соҳага бўлган муносабати қандай эканлигини намоён қилди. Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида туғилиб ўсган бу қизнинг тиббиёт соҳасига қизиқишига сабаб, онаси кўз касалликлари шифокори эди. У ҳам шу соҳада ўқиб, изланиб, тажрибали шифокор бўлиб етишди. Талабалик йилларида фикрлаши, дунёқараши бир-бирига яқин бўлган курсдоши Ренат ака билан тақдирини боғлади, ҳаётнинг оғир-енгилини, аччиқ-чучугини бирга тотди.

— Ҳарбий хизматга отланганимда ўғлимиз ҳали бир ёшга ҳам тўлмаганди, — дейди ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги полковник Ренат Равшанов. — Аввалига у, энди қайтгунингизча ёлғиз ўзим бола билан нима қиламан, дея кўз ёш қилди. Кейин уни ҳам бирга олиб кетдим.

Бир-бирига елкадош бўлган икки шифокор Украинага йўл олишди. Ренат ака ҳарбий қисмлардан бирида хизматни ўтар экан, турмуш ўртоғи ҳарбийлар учун ажратилган уйда яшарди. Бир уйда учта оила яшар, шароитлари ҳам ҳаминқадар эди. Аммо Хосият опа ундан сира нолимади. Қайтанга турмуш ўртоғига елкадош бўлиб, ишларида ёрдам бериб юрди. Ҳарбийларнинг оилалари бетоб бўлса, Хосият опага



мурожаат қилар, у эса, мен бу ерда ишламайман, демасдан, уларни даволаш чораларини кўрарди.

Она Ватанга қайтгач, Хосият Носирова 1976 йилдан бошлаб ИИВ Марказий поликлиникасида терапевт бўлиб ишлай бошлади. Осойишталик посбонларини даволаш, уларнинг саломатлигини сақлаш бўйича керакли тавсиялар бериш каби шарафли вазифаларни бажариш орқали юртимиз тинчлигини асрашга муносиб ҳисса қўшди. Олий тоифали шифокор бўлиб етишганда ҳам талабалик даврининг илк кунида ўзи айтган иборага, яъни биринчи муолажа — ширин сўз, деган тамойилга қатъий амал қилди. Беморларнинг ширин сўз билан руҳини кўтарар, мурожаат қилганлар норози бўлиб кетмас эди. Шу боис ҳам бир неча марта раҳбарият томонидан эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар билан тақдирланган. Аммо ўзи учун энг катта совғани беморларнинг тузалганидан кейинги қувончи ва қайта-қайта раҳмат айтишларида деб билди.

Таъкидлаш жоизки, қирқ йил узлуксиз ички ишлар органлари тизимида меҳнат қилган, ўзи ҳам, турмуш ўртоғи ҳам давлат ишида ишласа-да, фарзандлар тарбиясига асло эътиборсиз бўлмади. Шу боис ҳам икки қиз ва бир ўғилни эл корига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказди. Уч фарзанд ҳам ота-она изидан бориб, уларнинг касбини танлади. Қизи, майор Дилфуза Абдусамадова ИИВ Ҳарбий-тиббий комиссиясида хизмат қиляпти. Яна бир қизи Феруза Абдунабиева эса ИИВ тизимида самарали хизмат қилиб, подполковник унвони билан пенсияга кузатилди. Ўғли Эркин Равшанов ҳам Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини тамомлаган. Ҳозирги кунда беш нафар ширин-шакар набиранинг севимли бобоси ва бувиси бўлиб, кексалик гаштини сураётган Хосият опа ва Ренат акаларни қўша қариш бахтига муяссар бўлган инсонлар десак, муболаға эмас. Ўрни келганда, мамлакатимиздаги барча аёллар қаторида Хосият Носировани ҳам 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этамиз. Фарзандлари ва шогирдлари ардоғида, ёшлардан панду насиҳатларини аямай умргузаронлик қилаётган бу фахрийларнинг ибратли ҳаёт йўллари доимо ёшларни фидойилик, касбга садоқат руҳида тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Сирдарё вилояти Боёвут тумани ҳокими Дилфуза Ўралова



Бухоро вилояти Олот тумани ҳокими Наргиза Неъматова



Андижон вилояти Бўстон (аввалги Бўз) тумани ҳокими Садбархон Мамитова



Қашқадарё вилояти Қарши тумани ҳокими Мақсуда Мустафаева



Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани ҳокими Зулайҳо Маҳкамова

Ҳозирги кунда аёллар меҳнат муносабатларида ҳар доимгидан кўра фаол иштирок этмоқда. Улар сўнгги вақтларда нафақат ходим мақоми, балки раҳбарлик лавозимларини эгаллашда эркаклар билан тенг имкониятларга эга.

Бунинг амалдаги исботи сифатида кейинги кунларда ҳокимлик лавозимига тайинланган аёлларни келтириш мумкин.

Таҳририятимиз жамоаси ҳамда кўп минг сонли муштарийлар номидан раҳбарлик лавозимига тайинланган ушбу аёлларимизни байрам билан муборакбод этиб, масъулиятли ва шарафли ишларида муваффақиятлар тилаймиз.




# БУ ЕРДА БЎЛҒУСИ ПОСБОНЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

**Ҳозирги кунда ИИВ академик лицейларида дастлабки касбий билим ва кўникмага, юксак ватанпарварлик фазилатига эга бўлган ёшларни тарбиялаш ҳамда вазирлик Академиясига киришлари учун уларни мақсадли тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада вазирликнинг 2-сонли Тошкент академик лицейида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган.**

Академик лицейда айни вақтда 739 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Аниқ ва табиий фанлар, чет тиллар, ижтимоий-гуманитар ва психология фанлари, махсус фанлар ҳамда амалиёт кафедралари фаолият юритмоқда. Дарс машғулотлари тажрибали педагог-ўқитувчилар томонидан инновацион технологиялар асосида олиб борилялти. Амалиёт хоналари талаб даражасида жиҳозланган.

Ўқувчилар тергов, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва ижросини таъминлаш каби йўналишларда ўз билимини бойитиб боришяпти. Назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида амалий машғулотларда қатнашишмоқда. Уларнинг амалиёт ўташ жараёнлари Қибрай тумани ИИБда йўлга қўйилган.

Маълумки, буюк аждодларимиз юрт ҳимояси йўлида шаъни, ор-номуси, иймонини ўртага қўйиб, ёвга қарши курашганлар. Уларнинг сўзи, аҳду паймони қиличдан-да ўткир бўлган. Ёшларимизга тўғри таълим-тарбия бериб, уларни она Ватанга садоқат руҳида буюк аждодларимиз каби имон-эътиқодли қилиб тарбиялаш биз – педагогларнинг энг муҳим вазифамиздир. Лицейимизда ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирларда ўқувчиларга ана шу эзгу ғояни сингдириш,



уларни буюк аждодларга муносиб ворислар қилиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилади. Ушбу тадбирлар орқали Ватан муқаддас даргоҳ, уни ҳимоя қилиш, равнақи ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлиги тушунтириляпти.

Таъкидлаш жоизки, таълим муассасасида «Бургутлар» спорт жамоаси тузилган. Ўзбек жанг санъати бўйича спорт устаси Моҳирахон Абдумажидова, Турон миллий яккакураши бўйича спорт усталигига номзод Азиз Ҳусниддинов, Шамшод Далабоев, каратэ-до бўйича кўплаб беллашувлар ғолиби Моҳинур Баҳодировалар турли нуфузли мусобақаларда муносиб қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келишяпти. Улар эришаётган ютуқлар лицейимизда жисмоний тарбия ва спортга қанчалик жиддий эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Ўқувчи ёшларимиз юрт ҳимоячиси бўлиш энг шарафли касб эканини чин юракдан ҳис этиб, билимларни чуқур эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Ватанни севадиган, ардоқлайдиган ва ҳимоя қиладиган бўлғуси посбонларимиз бор экан, юртимиз тинч бўлади, гуллаб-яшнайверади.

**Гулзода ХУРРАМОВА,**
**ИИВ 2-сонли Тошкент академик лицейи ўқитувчиси.**

МЕЖДУНАРОДНЫЕ СВЯЗИ

# ГЛАВНЫЕ ВОПРОСЫ – ПРАВООХРАНА И БЕЗОПАСНОСТЬ

**МВД Республики Узбекистан с официальным визитом посетила делегация Национального центрального бюро Интерпола Соединенных Штатов Америки во главе с директором Уэйном Ховардом Сальзгабером. Принимал гостей и вел с ними беседу первый заместитель министра внутренних дел Республики Узбекистан полковник Азиз Ташпулатов. Во встрече также приняли участие ответственные сотрудники министерства**



Как известно, двусторонние отношения между Республикой Узбекистан и Соединенными Штатами Америки были установлены 19 февраля 1992 года. При этом взаимовыгодное сотрудничество и взаимодействие налажено во многих аспектах деятельности, особенно в области правоохраны и безопасности. Успешное сотрудничество было поставлено на более высокий уровень, являясь плодотворным результатом визита Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева в США в мае 2018 года, а в начале февраля нынешнего года Госсекретарь США Майкл Помпео посетил нашу страну.

В ходе конструктивного диалога сторонами были обсуждены актуальные вопросы двустороннего сотрудничества в сфере борьбы с международным терроризмом, экстремизмом, киберпреступностью, торговлей людьми, розыска преступников, а также отдельные моменты взаимодействия правоохранительных органов Узбекистана и США по линии Интерпола. Было предложено активизировать деятельность по организации совместных специализированных тренингов, а также учебных курсов на базе передовых аналитических центров США. Также были обсуждены и другие аспекты совместной деятельности на перспективу.

В ходе визита члены делегации посетили ГУВД г. Ташкента, где ознакомились с взаимодействием органов внутренних дел в рамках Концепции «Безопасная столица» и осуществлением круглосуточного патрулирования. Также гости побывали в 7-м отделе внутренних дел УКД ОВД Юнусабадского района г. Ташкента, где им были продемонстрированы передовые технологии, используемые в многогранной деятельности подразделения.

**Соб. корр.**
**Фото Содика ХАКИМОВА.**

## ПОЗДРАВЛЕНИЕ



**Галина МЕЛЬНИКОВА, народная артистка Узбекистана:**

– В эти прекрасные дни, наполненные теплом, вдохновением и особым ароматом весны, от всей души хочу поздравить наших замечательных женщин – сотрудниц органов внутренних дел с международным женским праздником – 8 Марта!

Служба во имя сохранения мира и спокойствия граждан исключительно почетна и важна, а потому женщины, вставшие в строй блюстителей правопорядка, достойны искреннего уважения и почета. Прекрасные женские руки, качающие колыбель, могут защитить и уберечь от беды. Женщины наравне с мужчинами достойно несут службу, надежно охраняя мир и правопорядок в стране.

Пусть наши прекрасные женщины будут счастливы, красивы, в их сердцах живут вечная молодость и весна, а судьба хранит всегда и везде.

С праздником, дорогие, любимые, прекрасные!

КОНЦЕРТ

# МЫ ВСТРЕТИЛИСЬ ВНОВЬ, И ЭТО ПРЕКРАСНО!

**Вот и пришла на нашу узбекскую землю долгожданная цветущая весна. На душе стало как-то по-особенному тепло и радостно. Хочется смеяться, ликовать, дарить улыбки прохожим, наслаждаться теплыми солнечными днями. А еще хочется песен и музыки. Впрочем, с этим желанием у нас все в порядке, потому что Отдельный образцово-показательный оркестр МВД Республики Узбекистан традиционно дает отчетный концерт под девизом: «Мы служим интересам людей!»**



Как всегда, зрительский зал Дворца культуры МВД полон поклонников музыки. Все от мала до велика пришли насладиться виртуозным исполнением наших музыкантов, которые сейчас на сцене проверяют тональность и звучание духовых инструментов. Причем готовятся ответственно, словно в первый раз выступать им перед любителями прекраснейшего из искусств. Музыканты торжественны, нарядны. Под ярким светом люстр сверкает оркестровая медь. Публика в нетерпении – время от времени шумными аплодисментами просит начать концерт. И вот гаснут люстры, вспыхивают разноцветные софиты, и таинственные лучики света, словно золотистые крупинки, опускаясь в зал, создают атмосферу музыкального волшебства.

Легкий взмах палочки главного дирижера Отдельного образцово-показательного оркестра МВД Узбекистана майора Мукимжона Махмудова, и чудесная музыка вознеслась ввысь быстрокрылой птицей непостижимой силы и красоты, прославляя цветущую весну, радостные улыбки на лицах детей, мир и покой на родной земле…

Программа выступления оркестра, в котором появилось немало молодых музыкантов, была разнообразна, многогранна, а диапазон исполняемых музыкальных композиций вдохновлял широтой репертуара. Звучали патриотические марши, песни о Родине, классические произведения, джазовые и эстрадные композиции, мелодии из популярных кинофильмов. Прозвучали такие музыкальные произведения, как «Узбекистон», «Испания чайни», «Мгновения» из кинофильма «Семнадцать мгновений весны», «Ватан», марш «Туёна», «Попурри вальсов», «Аргентинское танго», «Попурри на темы хитов Фрэнка Синатры», «Балли-калла» из кинофильма «Проделки Майсары»…

Вспомнили с почетом и великим уважением маэстро – основателя Отдельного образцово-показательного оркестра МВД Республики Узбекистан, талантливого композитора, дирижера и прекрасного человека Григора Ервандовича Терзяна. По давней традиции завершился концерт маршем «Прощание славянки». Зал рукоплескал стоя.

– Многие годы подряд с удовольствием посещаю концерты оркестра МВД, – говорит житель Мирзо-Улугбекского района столицы Виталий Петров, который пришел с дочерью Светланой и внучкой Викторией. – Хочу отметить, что мастерство музыкантов год от года становится все более виртуозным, репертуар – все более богатым на композиции известных авторов: как отечественных, так и мировых. Вот и внучка моя в восторге от концерта. Приобщаю ее к музыке – прекрасному искусству! На следующий год, надеюсь, вновь придем вместе!

Закончился замечательный концерт, ставший частичкой нашей жизни. Пусть она будет полна радостных событий, а музыку нам подарит наш любимый оркестр!

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото Абу КЕНЖАЕВА.**

СМОТР-КОНКУРС

# ЛУЧШИЕ СТОЛИЧНЫЕ ИНСПЕКТОРА ПРОФИЛАКТИКИ

**Традиционный Республиканский смотр-конкурс «Образцовый опорный пункт органов внутренних дел» проводится в целях совершенствования деятельности и условий работы опорных пунктов ОВД и направлен на определение опорных пунктов и инспекторов профилактики, добившихся наиболее высоких показателей в работе**



На сегодняшний день во всех областях страны закончились отборочные туры, подводятся итоги. Завершился региональный этап и в г. Ташкенте. Широкая общественность уже знает, какие столичные ОП стали лучшими, имена инспекторов профилактики, добившихся успехов благодаря приложенным усилиям и при активной помощи верных союзников – махаллинских активистов.

Во Дворце культуры МВД Республики Узбекистан, расположенном в самом центре столицы, в торжественной обстановке были объявлены имена победителей смотра-конкурса «Образцовый опорный пункт органов внутренних дел» по г. Ташкенту.

Дворец встретил участников и гостей мероприятия звуками духового оркестра. В фойе была организована выставка образцов народного творчества мастеров-ремесленников столицы. Можно было насладиться красивыми изделиями ручной работы.

Гости и участники разместились в зале, началась торжественная часть. Прозвучал Государственный гимн Республики Узбекистан, стали объявлять имена победителей.

Лучшим в номинации «Самый квалифицированный и верный служебе» стал старший инспектор профилактики опорного пункта № 82, обслуживающего махаллю Шуртепа Мирзо-Улугбекского района столицы, капитан А. Мадрахимов.

Самым активным сотрудником по работе с молодежью был назван старший инспектор профилактики правонарушений среди несовершеннолетних и молодежи ОВД № 2 УКД ОВД Алмазарского района капитан С. Салимджанов.

Победителем в новой номинации – «Самый просвещенный сотрудник-книголюб» стал старший инспектор ОВД № 3 УКД ОВД Учтепинского района капитан О. Тилаков.

Старший инспектор профилактики правонарушений среди несовершеннолетних и молодежи ОВД № 2 УКД ОВД Чиланзарского района старший лейтенант Ж. Жуманов был назван лучшим в номинации «Самый активный сотрудник по пяти важнейшим инициативам».

Лучшим сотрудником по вопросам женщин стала старший инспектор профилактики по вопросам женщин ОВД № 1 УКД ОВД Юнусабадского района подполковник Ш. Абзалова. А самым активным специалистом по вопросам женщин – специалист по вопросам женщин махалли Эшонгузар Шайхантахурского района М. Валиханова.

Образцовым инновационным ОВД был назван 2-й отдел внутренних дел УКД ОВД Яшнабадского района, которым руководит подполковник А. Мусурманов.

Громкими аплодисментами встречали зрители Дворца культуры МВД победителей в номинациях «Самый активный лидер молодежи», «Самый активный помощник по обеспечению общественного порядка», «Председатель самой благоустроенной и спокойной махалли», «Самый активный руководитель службы профилактики правонарушений», «Самый активный заместитель начальника ОВД по вопросам молодежи» и «Самый самоотверженный руководитель Сектора». Они удостоились дипломов и ценных подарков.

И вот настал волнительный момент – предстояло узнать: кто они, победители конкурса «Образцовый опорный пункт ОВД»?

По результатам смотра, третье место в столичном региональном этапе конкурса было присуждено опорному пункту № 110, обслуживающему махаллю Олимлар Мирзо-Улугбекского района (инспектор профилактики старший лейтенант Ф. Абдуллаев). Второго места удостоился ОП ОВД № 436, отвечающий за порядок на территории махалли Юртобод Юнусабадского района (инспектор профилактики старший лейтенант С. Туйчиев). Им были вручены дипломы и денежное вознаграждение.

Первое место и право представлять столицу в финальном этапе Республиканского смотра-конкурса «Образцовый опорный пункт органов внутренних дел» занял опорный пункт ОВД № 246, расположенный в махалле Янги Сергели Сергелийского района. Диплом I степени и денежную премию вручил инспектору профилактики старшему лейтенанту И. Юсуфалиеву заместитель министра внутренних дел Республики Узбекистан – начальник ГУВД г. Ташкента генерал-майор Рустам Джураев.

Поздравив победителей, генерал-майор Р. Джураев отметил, что в основе коренных реформ, проводимых в последние три года по инициативе Президента нашей страны, лежит абсолютно новая система борьбы с преступностью и раннего предупреждения правонарушений. Главная задача органов внутренних дел на сегодняшний день – это удовлетворение потребностей людей. Для достижения этой цели инспекторам профилактики оказывается большое доверие. Активно взаимодействуя с населением и находясь в курсе имеющихся проблем, они выполняют задачу адресного решения насущных вопросов граждан.

Генерал-майор Р. Джураев также подчеркнул, что для инспекторов профилактики созданы комфортные условия проживания и несения службы, они обеспечены жильем на вверенной территории и личным автомобилем. За последние два года 230 инспекторам профилактики присвоено специальное звание «подполковник», 150 назначены на руководящие должности, 76 – на должности начальников подразделений по профилактике правонарушений отделов внутренних дел. Кроме того, введены должности трех заместителей председателя махалли, инспекторам профилактики по дополнительным статьям предоставлено право составления административных протоколов. Отныне инспектор профилактики, проработавший в регионе в течение пяти лет, будет напрямую назначаться на руководящую должность, в том числе на должность начальника районного управления.

Закончилась официальная церемония концертной программой с участием Отдельного образцово-показательного оркестра и Ансамбля песни и танца МВД Республики Узбекистан, популярных артистов эстрады.





**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото старшего сержанта**
**Шерали МИРЗАЧАЕВА.**

ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ҚЎЛЛАР ДУОДА, ДИЛДА ШУКРОНА

**Риштон туманидаги Оқ ер қишлоғида файзли бир хонадон бор. Унда кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, истеъфога чиққан 95 ёшли Мирзааҳмад ота Сулаймонов истиқомат қилади.**



Отахон Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси. Навқирон ёшлик йилларини таҳликали уруш ўчоғида ўтказган. Жаҳаннам ўчоғидан омон қайтганидан сўнг Риштон тумани ички ишлар бўлимида турли лавозимларда узоқ йиллар хизмат қилди. Кейинчалик ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи лавозимида ишлаб, майор унвони билан истеъфога чиқди. Бугун у фарзандлари, набира ва чевaралари қуршовида дуогўй бўлиб, кексалик гаштини сурмоқда.

Мирзааҳмад ота юртимизда кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига берилаётган эътибордан мамнун.

– Ёшлигимни эсласам, кўзларимга ёш келади, кўп машаққатларни, синовларни бошдан кечирганман, – дейди отахон. – Шукрлар бўлсинки, бугун тинч ва осойишта замонда яшаяпмиз. Биз кексаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимиздан, Ички ишлар вазирлиги раҳбариятидан доим миннатдорман.

Турли байрам кунларида нуронийнинг хонадони меҳмонлар билан гавжум бўлади. Туман ички ишлар бўлимининг ёш ходимлари, маҳалла фаоллари, мактаб ўқувчилари нуроний суҳбатига талпинади.

Самимий суҳбатларда отахон ёшларни бугунги дориламон кунларга шукрона айтиб, илм-ҳунар эгаллашга, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Риштон тумани ИИБ раҳбарияти ва фахрийлар кенгаши ҳам Мирзааҳмад отани тез-тез йўқлаб туради. Отахон эса бундай эътибордан руҳланиб, доим дуога қўл очади ва юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик абадий бўлишини ният қилади.

Айтиш лозимки, Фарғона вилоятида Мирзаaҳмад ота каби Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган, кейинчалик ички ишлар органларида ишлаб, нафақага чиққан 5 нафар фахрий ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг ёшлик чоғлари Ватан тинчлиги, юрт осойишталиги учун кураш билан ўтган. Ёшларимиз бу фахрийларни ҳамиша эъзозлашади.

**Фахриддин БЎРОНОВ,**
**подполковник.**
**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ

# БАХТЛИ ҲАЁТ СОҲИБИ

**Бахт нима? Инсон ўзини қачон бахтиёр ҳис қилади? Шу ҳақда ўйлаганимизда кўз ўнгимизда, энг аввало, фарзандлари камолини кўраётган, ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан завқланиб яшаётган нуроний отахону онажонларимиз намоён бўлади. Бундай кишиларни ҳақли равишда бахтли ҳаёт соҳиблари дейиш мумкин.**



Айни пайтда мазмунли ҳаёт кечириб келаётган истеъфодаги подполковник Эркин Қодиров ана шундай бахтли кишилардан биридир. Умрининг етмишинчи довонидан ошаётган бўлса-да, ҳали-ҳамон бардам-бақувват. Айни пайтда Сурхондарё вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

– Шеробод туманида туғилганман. Отам Холбой Қодиров Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди. Урушдан қайтгач, турли лавозимларда ишлаб, эл ҳурматини қозонган инсон эди. Болалигимдан у кишининг олижаноб хислатларидан ибрат олиб ўсдим. Украинанинг Луцк шаҳридаги педагогика институтига ўқишга кирдим. Олий ўқув юртини тугатиб келгач, бир муддат мактабда ўқитувчилик қилдим. Йигитлик бурчимни ўтаб қайтгач, яна ёшларга сабоқ беришда давом этдим, – дейди қаҳрамонимиз ёшлик дамларини ёдга олиб. – Ички ишлар органларига хизматга таклиф этишганида қалбимни фахр ва ифтихор туйғулари қамраб олди. Кейинчалик Москвага, собиқ иттифоқ Ички ишлар вазирлигининг академиясига ўқишга юборишди.

Эркин Қодиров академияни тугатиб келгач, вилоят ИИБ бошлиғининг сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида хизматни давом эттирди. Ўшанда мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллари эди, республикамизнинг айрим жойларида таҳликали воқеа-ҳодисалар юз бериб турарди. Хусусан, қўшни давлатларда давом этаётган нотинчлик чегарадош бўлган Сурхондарёга ҳам дахл қилиши мумкин эди. Эркин Қодиров қаерда хизмат қилмасин, жиноятчиликка қарши курашишга, чегарага яқин ҳудудларда аҳоли осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшди. Хизматлари бесамар кетмади: «Милиция аълочиси» нишони билан тақдирланди.

Эркин Қодиров ички ишлар органларидан истеъфога чиққач, ўша пайтдаги «Пахта банк» вилоят бошқармасида хавфсизлик ва ахборотларни ҳимоялаш бўлими бошлиғи лавозимида ишини давом эттирди.

2013 йилда эса Эркин Қодиров ҳаётида муҳим бир ўзгариш бўлди: ўз йўлини яна ички ишлар органи тизими билан боғлади. Ҳамкасблари уни вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси этиб сайлашди. Фахрийлар ўртасида турли тадбирларни ўтказиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, тўй-маъракаларида қатнашиш, юбилейларни ташкиллаштириш унинг асосий иш фаолиятига айланди.

Ҳаётида қандай муваффақиятга эришган, фарзандлари камолини кўриш бахтига муяссар бўлган бўлса, барчасида турмуш ўртоғи Гулжамол аяни сабабчи деб билади. Фарзандларидан ҳам кўнгли тўқ. Улар ота касбини танлаб, кам бўлмади. Ўғиллари Азиз, Бунёд, Фаррух ва келини Нилуфар ички ишлар органлари ходимлари.

Мақола аввалида истеъфодаги подполковник Эркин Қодировга бежиз «Бахтли ҳаёт соҳиби», деб таъриф бермадик. Зеро, уйида бахти борнинг ҳаётда тахти бор.

**Жуманазар АНОРОВ.**
*Сурхондарё вилояти.*

**Сурат муаллифи**
**Тўра РАҲМОНҚУЛОВ.**

БИЛАСИЗМИ?

***1941–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан ортиғи ҳалок бўлди, 133 мингга яқини бедарак йўқолди, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтди.***



***Уруш олови ичида қолган ҳудудлардан юртимизга 1 миллион нафардан ортиқ киши кўчириб келтирилди. Уларнинг 200 минг нафари болалар эди. Халқимиз уларга бошпана бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўриб, ота-онасидан ажралган болаларни ўз фарзандлари қатори тарбиясига олиб, бутун дунёга ҳақиқий инсонпарварлик фазилатларини намойиш этди.***

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ҲИМОЯ ОРДЕРИ:
## У ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТ, КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

**Ўтган йилнинг сентябрь ойида «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни эълон қилинган эди. Унга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарор билан «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида»ги низом тасдиқланган.**

Мазкур низомга кўра, ҳимоя ордери тегишли серия ва рақамга эга бўлган, қатъий ҳисоби юритиладиган, фақатгина тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан белгиланган чекловларни қайд этиш бўйича ҳужжат ҳисобланади.

Ҳимоя ордери ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори томонидан берилади. Уни бериш тартиби шундан иборатки, хабар олинганидан сўнг профилактика инспектори воқеа жойига зудлик билан бориб, ҳужжатларни расмийлаштиради ва [жабрланувчига] ҳимоя ордерини беради. Ҳимоя ордери 1 ой муддатга берилади. Шу муддат ичида низони ҳал этиш имкони бўлмаса ёки ўша ҳолат яна давом этадиган бўлса, мурожаатга асосан, яна 1 ой муддатга узайтирилади. Узайтирилган муддат давомида ҳам зўравонлик содир этган шахс қилмишини давом эттиргудек бўлса, у тегишли қонун ҳужжатларида кўрсатилган жавобгарликка тортилади.

**Ҳимоя ордери 1 ой муддатга берилади. Шу муддат ичида низони ҳал этиш имкони бўлмаса ёки ўша ҳолат яна давом этадиган бўлса, мурожаатга асосан, яна 1 ой муддатга узайтирилади.**

Халқимиз азал-азалдан аёлларга – меҳрибон она, мунис сингил, садоқатли ёр сифатида юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келган. Биз бугун ўзларининг оқилалиги, жасорати ва юксак салоҳияти билан тарихимиздан муносиб жой олган Тўмарис, Бибихоним, Нодирабегим сингари юзлаб мўътабар аёлларнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз, уларнинг ҳаёт йўлини фарзандларимизга ибрат қилиб кўрсатамиз. Оиладаги салбий, бешафқат муҳит, айрим ўсмирлардаги қўполлик, ёввойилик, совуқ муносабат каби иллатларнинг пайдо бўлишига замин яратади, улар атрофдагиларга нисбатан қарама-қарши руҳда ҳаракатланиб, тажовузкорона бузғунчилик намоён қилишади.

Маълумки, миллатимиз аёллари доимо ор-номусни, оила сирини сақлаш, сабр-тоқат борасида намуна бўлиб келган. Қолаверса, миллий урф-одатларимиз, неча йиллар давомида шаклланган қадриятларимиз ҳам аёлларни эъзозлаш, уларнинг дилини оғритмасликни тарғиб қилиб келади. Шундай бўлса-да, миллий менталитетимиз ҳам бу борада жабр кўрган аёлларнинг ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишига, ўзини ҳимоя қилишига йўл бермаслиги мумкин. Эндиликда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган аёлларга ҳимоя ордери берилишига фақат жабрланувчининг мурожаатигина эмас, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тарқалган хабарлар, тазйиқ ва зўравонлик содир этиш ёки унга уриниш ҳолатларининг ваколатли органлар томонидан бевосита аниқланиши ҳам асос бўлиши мумкин. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ва ташкилотлар жабрланувчилар ҳақида маълумотга эга бўлгач, ҳолат бўйича низомга мувофиқ шаклда ички ишлар органларига хабарномани тақдим қилади. Хабар берувчи ва жабрланувчилар ҳақидаги маълумотлар қонунда белгиланган тартибда қўриқланади. Хабар ички ишлар органлари навбатчилик қисмида қайд этилиб, дарҳол профилактика инспекторига тақдим этилади. Инспектор ҳолат бўйича жабрланувчи, зўравонлик содир этган ва бошқа шахслар



билан суҳбат ўтказади, жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахснинг турмуш тарзи, мазкур ҳолат келиб чиқишининг сабаб ва шароитларини ўрганади. Ушбу шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

Хўш, ҳимоя ордери қандай ҳимоя қилади? У жабрланувчига зўравонлик, тазйиқ ўтказган шахсга тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишни, тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг жабрланувчилар билан алоқасини, тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлиши кабиларни тақиқлашни назарда тутади. Шунингдек, тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахсга жабрланувчини даволаш, махсус марказларга жойлаштириш кабилар учун кетадиган харажатларни, етказилган моддий зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади. Тазйиқ ва зўравонлик содир этган шахснинг қурол (хизмат қуроли бундан мустасно) сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқи ҳимоя ордерининг амал қилиш ёки унда кўрсатилган муддат даврида чекланиши ёхуд тақиқланиши, шунингдек, қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқи ҳам тақиқланиши мумкин. Ҳимоя ордерида қонун ҳужжатларида белгиланмаган бошқа чекловларни назарда тутиш тақиқланади.

Қарор мазмун-моҳиятини ходимлар ва фуқаролар орасида тушунтириш, ижросини таъминлаш юзасидан жойларда тарғибот тадбирлари ташкил қилинди. Маълумотларга кўра, бугунгача республикамизда 19 нафар хотин-қизга ҳимоя ордери берилган. Улар асосан ўз турмуш ўртоқлари томонидан тазйиқ ёки зўравонликка учраган.

— Аҳоли орасида ўтказилаётган тадбирларда ҳимоя ордери нима, унга асосан қандай чекловлар қўйилади каби масалаларда тушунтиришлар олиб боряпмиз, — дейди Янгийўл шаҳар ИИБ ҲПБ хотин қизлар масалалари бўйича инспектори, подполковник Умида Пўлатова. — Ҳудудимизда истиқомат қилувчи бир эркак мунтазам спиртли ичимлик истеъмол қилиб, турмуш ўртоғини калтаклаб келарди. Олиб борилган профилактик тадбирлар кор қилмади. Ҳатто аёлга тан жароҳати етказиш ҳолати ҳам бўлди. Ҳозирда аёлга ҳимоя ордери берилиб, уларнинг бир бирлари билан алоқалари тақиқлаб қўйилган. Шунингдек, аёлни даволаш чораларини кўриш бўйича харажатларни қоплаш, ҳимоя ордерида кўрсатилганидек, эркакнинг зиммасига юклатилган.

**Маълумотларга кўра, бугунгача республикамизда 19 нафар хотин-қизга ҳимоя ордери берилган. Улар асосан ўз турмуш ўртоқлари томонидан тазйиқ ёки зўравонликка учраган.**

— Хизмат ҳудудимда бир нафар аёлга ҳимоя ордери бердим, — дейди Яккасарой тумани ИИОФМБ ҲПБ профилактика катта инспектори, майор Алишер Раҳимов. — Аёлнинг мурожаатида эри билан ажрашиш учун ариза ёзгани, ҳали қонуний ажрашмаган бўлса-да, ҳозирда бошқа-бошқа хонадонларда истиқомат қилаётгани кўрсатилган. Аммо унинг эри гоҳ уйига, гоҳ ишхонасига бориб, аёлга руҳий тазйиқ ўтказишда давом этаверган. Шундан сўнг мазкур ҳолат батафсил ўрганиб чиқилиб, аёлга ҳимоя ордери берилди. Ҳозирда вазиятни назорат қилиб турибмиз, аввалги руҳий тазйиқ ўтказишлар бўлмаяпти. Ҳимоя ордерида назарда тутилган чекловлар бузилса, бу бўйича қўшимча чоралар кўрилади.

Қабул қилинган қонун ҳамда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган бу каби тадбирлар жамиятда, турмушда, иш жойларида, таълим муассасалари ва бошқа жойларда хотин-қизларга бўлган ҳурматни ошириш, оилалар мустаҳкамлигини сақлаш, аёлларга тазйиқ ва зўравонлик содир этилишининг олдини олиш ҳамда аёлларга зулм қилаётган эркакларни тартибга чақириш каби мақсадларга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қабул қилинган ҳар бир қонун ёки қарор замирида инсон манфаатлари, фуқароларнинг ҳимояси турибди. Ҳимоя ордерининг жорий этилишидан мақсад ҳам хотин-қизларни турли тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишдир. Зеро, жамиятнинг ҳар бир аъзоси тенг ҳуқуқли ва давлат ҳимоясида эканини ҳис қилиши лозим.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

ПАЙШАНБА – ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ

# КАМЧИЛИК ВА МУАММОЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Юртимиздаги барча соҳалар қатори, аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилувчи темир йўл транспорти тизимида ҳам йўловчилар учун кўплаб имконият ва шароитлар яратилмоқда. Айрим фуқаролар томонидан бу каби қулайликларнинг қадрига етиш ўрнига, унга зарар келтириш ҳолатлари ҳамон учраб тургани кишининг кўнглини хира қилади.**

Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли харбийлаштирилган қўриқлаш бошқармасининг ўқув марказида тадбир бўлиб ўтди.



Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни доирасида ўтказилган ушбу тадбирда республика Транспорт прокуратураси, ИИВ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси ҳамда Тошкент минтақаси темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бошқармасининг масъул ходимлари жорий йил бошидан ҳозирга қадар соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган камчилик ва муаммолар ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида батафсил фикр юритишди.

Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг мазмун-моҳияти юзасидан ҳам иштирокчиларга кенг тушунчалар берилди. Шу билан бирга, эндиликда коррупцияга қарши муросасиз курашиш ҳамда жамоатчилик назоратини янада кучайтириш борасида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Савол-жавобларга бой тарзда ўтган мазкур йиғилиш якунида соҳа ходимларини қийнаётган муаммолар атрофлича муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Акмал ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси.**

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# КНИГА – ИСТОЧНИК ДУХОВНОСТИ

**Литература – величайшее достояние человечества. Она отражает историческое прошлое и настоящее народа, прогнозирует его будущее, воспитывает патриотические чувства, национальное самосознание**





В нашей стране по инициативе Президента Ш. Мирзиёева развернулась широкомасштабная работа по развитию культуры чтения. Особая роль в ее реализации отводится Национальной библиотеке Узбекистана имени Алишера Навои. Здесь проходят семинары, конкурсы, творческие встречи. Книголюбы проводят время в бук-кафе, где за чашечкой ароматного кофе знакомятся с последними новинками отечественной и зарубежной книжной продукции, встречаются с интересными людьми.

Книга была, есть и останется основным источником знаний, мостом, соединяющим поколения, несмотря на то, что сегодня на первый план выходят информационно-коммуникационные технологии.

В чем заключается ее непреходящая ценность?

Чтение – главное средство развития мышления, воображения человека. Оно переносит его в сферу чистого разума, помогая задуматься над смыслом своего существования.

Бытует мнение, что молодежь мало читает. Конечно, молодой человек, читающий в транспорте, к примеру, – сейчас большая редкость. Но ведь нынешний век – время электронных книг, интересной информации, которую выкладывают в социальных сетях. Книгу заменяют планшеты, ноутбуки, ридеры. Прошли те времена, когда читатель годами ждал встречи с заветным изданием. Теперь любую книгу на любом языке можно найти в интернете – наша молодежь быстро научилась читать на узбекском, английском, русском языках.

> *«...Там, где есть книга, человек уже не остается наедине с самим собой, в четырех стенах своего кругозора, он приобщается ко всем свершениям прошлого и настоящего...»*
>
> **Стефан Цвейг.**

Несмотря на это, вызывает опасение то, что контроль над потоком информации практически исчез, и порой невозможно угадать, что попадет в руки юношей и девушек. Поэтому первоочередной задачей всех, кто занимается педагогической деятельностью, является привитие подрастающему поколению читательского вкуса. Воспитание разборчивости в выборе книг, выработка умения критического осмысления прочитанного становятся неотъемлемой частью работы по формированию идеологического иммунитета у молодежи.

На современном этапе к воспитательной работе, кроме работников образовательных учреждений, непосредственно привлекаются и сотрудники органов внутренних дел. В профессиональной деятельности сотрудников правоохранительных органов по проведению профилактической работы в направлении предотвращения правонарушений требуются не только начитанность, но и умение владеть словом, убеждать, к примеру, уместными цитатами известных и авторитетных ученых и писателей. В руках сотрудника внутренних дел книга должна стать «мирным оружием» в борьбе за жизни граждан, мир и порядок на нашей земле.

> **Мировые ученые, политики, общественные деятели и международные организации единодушно признают изобретение публикации книги как величайшее событие за последние два тысячелетия.**

Книга – самый терпеливый воспитатель, который всегда рядом. Это друг и наставник, молчаливый, но верный. Вовремя произнесенное слово, к месту процитированное высказывание, правильно подобранная книга могут изменить жизнь человека к лучшему.

Молодой человек, находящийся на перепутье, укрепит веру в свои возможности, читая биографии, воспоминания, письма выдающихся людей, проживших интересную, но нелегкую судьбу. Несомненный читательский интерес вызывают автобиографические произведения Бабура («Бабур-наме»), Фурката («Автобиография кокандского поэта Закирджана Фурката»), Л. Толстого («Исповедь»), Ф. Достоевского («Записки из Мертвого дома»). В них мы видим, что гиганты мысли, так же как и мы, переживали неуверенность, и в некоторых областях жизни у нас с ними есть немало общего.

Биографическая литература, описывая яркие личности, их выдающиеся достижения и жизненные трудности, помогает юношам и девушкам быстрее и лучше понять себя и собственные проблемы. Нередко она действует сильнее, чем приключенческая литература, потому что в ней описываются реальные факты и события.

> *«Если пар и железные дороги уничтожили расстояние, то книгопечатание уничтожило время: благодаря ему мы все – современники. Я беседую с Гомером и Цицероном, а Гомеры и Цицероны будущего будут беседовать с нами».*
>
> **Альфонс Ламартин.**

Юмор и сатира учат обнаруживать позитив даже в негативных явлениях жизни и преодолевать их, меняя в процессе и самого себя.

Детективы занимают значительное место в формировании мировоззрения молодежи, так как высвечивают сложные обстоятельства, разоблачают неприглядные явления общества, показывая, что за «красивым фасадом» нередко скрываются грязь и корысть. Они способствуют выработке интуиции и проницательности, побуждают к смелости, риску, находчивости. Все это касается, естественно, только хорошей, классической детективной литературы, к примеру, произведений народного писателя Узбекистана Тахира Малика.

Его роман «Шайтанат» поднимает вопрос о необходимости воспитания в человеке таких качеств, как совесть, стыд, честь, гордость, достоинство. Нет сомнения в том, что человек, прочитавший этот роман, задумается о своей жизненной позиции и, оценивая собственные поступки, начнет бороться с внутренним искусителем – «шайтаном». Этот роман утверждает вечные истины: «Посеешь привычку – пожнешь характер, посеешь характер – пожнешь судьбу»; «Возмездие за преступление может быть медленным, но от этого не перестает быть неотвратимым»; «Доброта не требует награды, но всегда ее получает».

Просвещенная молодежь – будущее нашей культуры. Именно от нее зависит то, какую роль книга будет играть в обществе. Несмотря на колоссальные возможности интернета, чтение и письмо остаются основным способом передачи человеческой мысли во времени. И то, что мы сейчас через книги можем постигать мысли Алишера Навои и Пушкина, Бабура и Льва Толстого, – великое чудо!

**Олег КОН,**
**кандидат педагогических наук.**

## Интересные факты

- Самой тяжелой книгой в мире можно назвать географический атлас, который хранится в Британском музее. При высоте примерно в один метр книга весит 320 килограммов. А вот самая большая книга – это «Сборник морских правил», которая хранится в Амстердаме: при высоте около 2 метров книга имеет ширину в 1 метр и толщину около полуметра.
- Лопе де Вега, пожалуй, самый плодовитый писатель, который написал 1 800 пьес в стихах (по ориентировочным подсчетам это 21 316 000 строк). Чуть отстает Жозе Карлос Рьоки из Бразилии, который написал 1 046 научно-фантастических романа (все они опубликованы в течение 10 лет, с 1986 года).
- 1 112-томное издание Британских парламентских документов является самым большим в мире, весит оно 3 300 килограммов.
- В Бразилии есть юбилейная книга из нержавеющей стали. Ее выпустили к 400-летию города Рио-де-Жанейро. Книга насчитывает 200 листов.
- При чтении книг глаза человека перестают смотреть в одну точку, кроме этого они могут как расходиться, так и пересекаться, смотря на разные буквы.
- При быстром чтении глаза устают меньше, но при этом примерно 95 % людей читают довольно медленно, примерно 200 слов в минуту, или 1 страница за 2 минуты в среднем. Дополнительный плюс быстрого чтения в понимании написанного, так как оно составляет примерно 80 %, тогда как при медленном – всего 60 %.

ГЕРОИ СРЕДИ НАС

# БДИТЕЛЬНОСТЬ НЕ ПОДВЕЛА



**Сотрудники патрульно-постовой службы находятся на передовой борьбы с преступностью. Они первыми приходят на помощь людям, попавшим в беду**

В ночь на 26 февраля пеший наряд батальона ППС УППСиООП УВД Андижанской области в составе рядовых Мухаммад-Али Низамидинова и Ахмадзоира Хусанова совершал обход вверенной территории, расположенной рядом с дехканским рынком «Янги базар». Было около двух часов ночи, когда постовые заметили четырех подозрительных молодых людей, которые попытались скрыться при виде стражей порядка. Сотрудники ППС задержали их и с целью установления личностей доставили в ОВД № 6 УКД ОВД г. Андижана.

В присутствии понятых был произведен личный досмотр. В результате изъяты ювелирные украшения из желтого металла: 20 женских колец с камнями, 10 женских цепочек, 63 женских обручальных кольца, 35 пар сережек, мужские часы «Адидас», женские часы «Кварц» и одна монета из желтого металла.

В ходе оперативных мероприятий были установлены личности задержанных. Ими оказались 23-летний житель МСГ «Кумакай» Алтынкульского района Мухаммадазиз Г. и проживающие в городе Ханабаде 22-летний Фарход Х., 23-летний Исмоил К. и 22-летний Бобур М.

Молодые люди признались, что в ночь с 1 на 2 февраля проникли в подвал дома предпринимателя Хайрулло Х., в Андижанском районе, взломали дверцу металлического ящика и украли ювелирные украшения.

В отношении правонарушителей возбуждено уголовное дело, проводятся следственные мероприятия. Изъятые ювелирные изделия отправлены на экспертизу с целью установления их подлинной стоимости.

Герои нашего рассказа – сотрудники батальона ППС УППСиООП УВД Андижанской области проявили бдительность и профессиональное мастерство.

Рядовой Мухаммад-Али Низамидинов родился в 1991 году в Ходжаабадском районе Андижанской области. После окончания Академического лицея при Андижанском государственном университете и службы в рядах Вооруженных Сил работал в фермерском хозяйстве «Одил Охун хур умиди». В 2016 году был принят на службу во второй отряд батальона ППС на должность кинолога. С 2017 года – рядовой сотрудник второго отряда батальона ППС. За время службы проявил себя грамотным, ответственным, завоевал уважение среди личного состава подразделения.

Ахмадзоир Хусанов – уроженец Пахтаабадского района Андижанской области. Окончив общеобразовательную школу, работал рабочим в отделе по благоустройству. После службы в армии в 2018 году был принят рядовым сотрудником во второй отряд батальона ППС УППСиООП УВД Андижанской области. Несмотря на сравнительно небольшой срок службы, полностью овладел специальностью, замечаний по службе не имеет.

– Личный состав подразделения выполняет ответственные задачи по охране общественного порядка, оберегает граждан от преступных посягательств, – говорит командир второго отряда батальона ППС УППСиООП УВД Андижанской области майор Фарходбек Комилов. – Профилактика правонарушений сегодня является одним из главных направлений деятельности патрульно-постовой службы. Весомый вклад вносят сотрудники ППС и в раскрытие преступлений, оказываясь на месте происшествия в числе первых. Именно благодаря им, злоумышленников часто задерживают по горячим следам.

Сотрудники ППС служат на благо Родины, помогают людям, оберегают их жизнь и покой. Совладать с такой нагрузкой без высокого профессионализма и искренней любви к своему делу невозможно. А таких качеств нашим ребятам не занимать.

**Бекзод УРИНОВ,**
**подполковник.**
**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**

***На снимке:*** *сотрудники второго отряда батальона ППС УППСиООП УВД Андижанской области рядовые А. Хусанов и М. Низамидинов.*

**Фото автора.**

*Андижанская область.*

# ПОЗДРАВЛЕНИЯ

Дорогие женщины!

Сердечно поздравляю вас с Международным женским днем, этим замечательным весенним праздником, который отмечается 8 марта!



В этот день мужчинам принято проявлять самую теплую заботу и окружать особым вниманием представительниц прекрасного пола. Женщина – спутница жизни, женщина – мать. Разве можно представить без них этот мир, без их теплых рук и заботливых сердец?

Сегодня без женщин невозможно представить и органы внутренних дел. Если раньше боеспособность рядов правоохраны зиждилась, в том числе, на женах сотрудников, обеспечивающих надежный тыл, то сегодня женщины Узбекистана наравне с мужчинами заняли полноправное место в строю защитников правопорядка.

Позвольте в этот праздник поздравить всех женщин МВД Узбекистана, и тех, кто наравне с мужчинами несут полную опасностей службу, и тех, кто обеспечивает семейный покой и уют. Пусть счастье не покидает ваши дома! Мира вам, здоровья и благополучия!

**Игорь АЛЕКСЕЕВ,**
**главный редактор журнала СМВД СНГ «Содружество»**
**полковник внутренней службы.**
**(Россия)**

**Комилжон КУШАКОВ, начальник канцелярии Следственного управления при УВД Самаркандской области, младший сержант:**



– Для меня 8 Марта – праздник очень важный, потому что дома меня ждут три виновницы торжества: мама, жена и трехлетняя доченька Азиза.

Я родился в Булунгурском районе, вырос в семье рабочих и никогда не думал о службе в органах внутренних дел. Однажды услышал разговор родителей. Мама сказала отцу, что хотела бы видеть меня в форме. В те годы я еще не задумывался о будущей профессии, но после слов матери решил, что обязательно исполню ее мечту – стану сотрудником ОВД. В 2006 году поступил в патрульно-постовую службу, из 250 кандидатов был седьмым в списке поступивших. Узнав результаты экзамена, поспешил обрадовать маму, которая поддерживает меня во всех начинаниях.

Пользуясь случаем, хотел бы выразить слова благодарности и признательности женщинам, находящимся рядом с нами, которые разделяют наши успехи и неудачи, с волнением ждут со службы.

С вами связаны вечные ценности – дом, семья, уют родного очага. Наша жизнь наполнена вашим теплом и светом, а поддержка и любовь вдохновляют на созидание, вселяют мужество и отвагу.

В этот день мы особенно замечаем, как прекрасны, умны и заботливы наши матери, сестры, жены, дочери. Спасибо вам за доброту и нежность, понимание, терпение и мудрость! Пусть красота ваша не меркнет, а глаза всегда сияют радостью!

ЁШЛАР — КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

# БОБОСИ, ТОҒАСИ, ОНАСИ ҲАРБИЙ

*Муниса ҳам уларга ҳавас қилиб шу соҳани танлади*

**ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7534-ҳарбий қисм 1-батальони назоратчиси, шартнома асосидаги оддий аскар Муниса Аҳмедова Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Оиладаги уч нафар қизнинг тўнғичи бўлган Муниса болалигидан тиришқоқ илмга чанқоқ эди. Кичкинтойлигидаёқ серҳаракат ва чаққонлиги оила аъзоларини ҳайратга соларди. Яқинлари ҳазиллашиб, «Бу қиз келажакда спортчи бўлса керак» деб қўйишарди.**

Муниса 13 ёшидан спортнинг таэквондо тури билан шуғуллана бошлади. Машғулотларни сира қолдирмас, барча усулларни мукаммал ўзлаштирарди. Ундаги қобилиятни сезган устози Баҳодир Латипов келажакда кўплаб мусобақаларда ғалаба қозонишини сезиб юрарди. Муниса спорт тўгарагига қатнай бошлаганига уч йил тўлганда вилоят миқёсида ёшлар ўртасида мусобақа ўтказилди. Бу мусобақада Баҳодир Латиповнинг Мунисадан умиди катта эди. Биринчи мусобақаси бўлгани учунми, қиз ҳам бироз ҳаяжонланарди. Аммо натижа ёмон бўлмади. Устозидан ўрганганларини маҳорат билан қўллаган Муниса совринли ўринни эгаллади.

Бобоси, онаси ва тоғаси ҳарбий бўлгани боис Мунисанинг ҳам болалигидан шу соҳага ҳаваси баланд эди. У онаси Гулрайҳон опага доимо ҳарбий бўлиш нияти борлигини, Ватан осойишталигини қўриқлашдек шарафли касбда хизмат қилиш энг катта орзуси эканини айтарди. Албатта, бу шарафли касбнинг паст-баландини, оғир енгилини тушунган она қизини аҳдидан қайтармади. Фақат қийинчиликларини, шарафиню роҳатини тушунтирарди.




— Ҳарбий бўлиш учун фақат жисмонан кучли бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди, — деди бир куни қизи билан суҳбатлашиб ўтирган Гулрайҳон опа. — Ўз касбини севиш, доимо ҳалол ишлаш, виждони пок бўлиш лозим. Қолаверса, иродали, сабрли бўлиш, қийинчиликларни сабот билан енгиш керак. Бу фазилатларни инсон китоб ўқиб ўрганиши қийин, муҳими, ўқиган китобларни уқмоғи, қолганини ҳаётдан ўрганмоғи лозим.

Мактабни тамомлаб касб-ҳунар коллежига кирган изланувчан қиз уни имтиёзли диплом билан тамомлади. Кейин ўзи орзу қилган ИИВ Қоровул қўшинларига ҳужжатларини топширди. Шундай қилиб, у ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7534-ҳарбий қисмда назоратчи лавозимида хизматни бошлади. Унинг зиммасига маҳкумларни назорат қилиш вазифаси юклатилган бўлиб, бу масъулиятли ишни сидқидилдан бажарарди, командирларининг буйруқларини ўз вақтида ва мукаммал адо этиб, жамоа орасида эътироф қозонди. Спорт билан шуғулланиш баробарида қўшиқ куйлашни, шеър ёдлашни хуш кўрадиган Мунисанинг ҳарбий қисм ва батальонда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлардаги фаол иштироки ҳам унинг ҳар соҳада билимли, санъатга, адабиётга ихлосманд эканлигини кўрсатмоқда.

Хизмат жараёнида ҳам таэквондо бўйича ўтказилган мусобақаларда фаол иштирок этиб келяпти. Масалан, ўтган йилнинг декабрь ойида ўтказилган Тошкент II халқаро очиқ чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритди. Муниса ютуқларидан ҳеч қачон ортиқча ғурурга берилмайди. Доимо ўз устида ишлашдан, изланишдан тўхтамайди. Келажакда янада кўпроқ марраларни забт этиш, она Ватанимиз байроғини юксакларга кўтариш унинг энг катта орзуси.

**Бекзод АМАНБАЕВ,**
**майор.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**



**ИИВ Академиясини муваффақиятли тамомлаган лейтенант Юсупжон Юсупов Урганч шаҳар ИИБ Тергов бўлимида терговчи вазифасида хизмат фаолиятини бошлайди. Хушёрлик, синчковлик ва тезкорлик осойишталик посбонига хос бўлган фазилатлар эканлигини яхши англаган Юсупжон устози подполковник Равшанбек Жуманиёзовдан касб сирларини кунт билан ўрганишга киришади. Ёш бўлса-да, севган касбига меҳр қўйган бу йигит зиммасидаги вазифаларга масъулият билан ёндашиб, содир этилаётган жиноятларни қисқа фурсатларда фош этиш ва айбдорларга нисбатан холисона баҳо беришда самарали хизмат қилди. Тинимсиз изланишлар бесамар кетмади. Ёш ходим томонидан олиб борилган тергов ҳаракатлари ва уларнинг мукаммаллиги бошқарма раҳбарияти ва суд томонидан ижобий баҳоланди. Шунингдек, «ЭНГ ЯХШИ ТЕРГОВЧИ» республика кўрик-танловининг ғолиби ҳам бўлди.**

# ИҚТИДОРЛИ ИЗҚУВАР

Қаҳрамонимизнинг хизмат фаолияти билан танишар эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда самарали натижаларга эришаётганига гувоҳ бўлдик.

... Хива туманидаги спиртли ичимликлар билан савдо қилиш дўконларидан бирида ўғрилик жинояти содир этилади. Воқеа жойини синчковлик билан кўздан кечирган тергов-тезкор гуруҳи ходимлари асосий эътиборни жиноятчининг шахсини аниқлаш ҳамда унга алоқадор бўлган ашёвий далилларни излашга қаратади. Олиб борилган тезкор тадбирлар давомида бу жиноятни хивалик А. Каримдан гумон қилинди. Мазкур ишни тергов қилиш лейтенант Ю. Юсуповга топширилади. Ёш терговчи гумон қилинувчи шахс билан суҳбатлашиш жараёнида унинг муқаддам 24 маротаба юқоридаги каби ўғрилик жиноятини содир этганлигини аниқлашга муваффақ бўлади. Терговчининг синчковлиги туфайли анчадан бери очилмаётган бошқа жиноятлар ҳам фош қилинади.

Шундан сўнг вилоят ИИБ раҳбарияти етарли малака ва тажрибага эга бўлган бу ходимни Боғот тумани ИИБ терроризм ва экстремизмга қарши курашиш гуруҳи тезкор вакили лавозимига тайинлади. Юсупжон бу вазифада ҳам сидқидилдан хизмат қилиб, ҳамкасбларига намуна бўлди.

Яқинда Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов Хоразм вилоятига ташрифи давомида ички ишлар органларида хизмат қилаётган бир гуруҳ ёш ходимлар билан ҳам учрашди. Очиқ ва самимий мулоқот чоғида капитан Юсупжон Юсупов сўзга чиқиб, хизмат фаолияти давомида сифат ва самарадорликка эришишнинг ўзига хос муҳим жиҳатларини аниқ мисолларда исботлаб беришга ҳаракат қилди. Унинг фикр-мулоҳазалари вазир томонидан қўллаб-қувватланиб, Юсупжонга ИИВ марказий аппаратида хизмат фаолиятини давом эттириш таклиф этилди. Ҳозирда тиниб-тинчимас ёш ходим ИИВ Ташкилий департаментининг Юридик таъминлаш бошқармаси давлат таъминотларини мувофиқлаштириш бўлими катта юрисконсульти лавозимида фаолият юритмоқда.

Ҳар бир осойишталик посбони зиммасидаги асосий вазифа юрт тинчлиги, аҳоли хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Бундай шарафли вазифани амалга оширишда капитан Ю. Юсуповнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

# БИЛИМДОН ВАТАНПАРВАР ЙИГИТ

**Ҳозирги давр билимли ёшларники. Қайсики ёш ўз билими ва салоҳиятини, иқтидор ва қобилиятини намоён эта олар экан, у келажакнинг қаҳрамони ва эгаси бўлади. ИИВ Бухоро академик лицейида ҳам ана шундай ўқувчилар талайгина.**




Азизбек Ҳабибов лицейнинг иккинчи босқич ўқувчиси. У болалигидан шахмат ва шашкага қизиқиб, математика фанига меҳр қўйди. Мактаб даврида туман, вилоят миқёсида ўтказилган шахмат-шашка мусобақаларида, билимлар беллашувларида фахрли ўринларни қўлга киритди.

Лицейда ўқишни бошлагач ҳам бу анъанани давом эттирди. 2019 йили лицей бўйича ўтказилган «Ёш китобхон» танлови ғолиби бўлди. Яқинда Андижон шаҳрида куч тузилмаларига қарашли «Темурбеклар мактаби» ва академик лицейлар ўртасида ўтказилган «Билимдон ватанпарвар» республика фан олимпиадасида Азизбек математика фани бўйича биринчи ўринни эгаллаб, I-даражали диплом ва замонавий компьютер жамланмаси билан тақдирланди.

– Ютуқларимда устозларим – Малоҳат Пўлатова, Мамлакат Амонова, Эркин Болтаев, Беҳруз Баҳромовларнинг хизматлари катта бўлди, – дейди Азизбек. – Улардан бутун умр миннатдорман.

Дарҳақиқат, Азизбек устозларининг ишончини оқлади.

– Лицейимизда Азизбекка ўхшаган иқтидорли ўқувчиларимиз кўпчиликни ташкил этади, – дейди лицей директори, подполковник Ихтиёр Ҳамроев. – Тошкент шаҳрида ўзбек жанг санъати бўйича ўтказилган мусобақада икки ўқувчимиз – Севинч Зиёдиллоева ва Азизбек Аҳадов биринчи ўринни эгаллади. Яна бир ўқувчимиз Нигина Исоева эса Тошкент шаҳридаги ёпиқ иншоотда спортнинг енгил атлетика тури бўйича ўтказилган мусобақада зафар қучди. Навоий шаҳрида бўлиб ўтган армрестлинг мусобақасида Азизбек Яхёев иккинчи, Асадбек Иноятов учинчи ўринни қўлга киритди.

Азизбекнинг орзулари бир олам. ИИВ Академиясида ўқишини давом эттириб, келгусида осойишталик посбони бўлишни, юртимиз тинчлигини таъминлашни мақсад қилган.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*

ТАШРИФ

# СЎЗДА СЕҲР БОР...

**Сўз мўъжизакор қудратга эга. Дунёда сўзни танлаб, териб айта билган киши эса бахтли одамдир. Бугунги суҳбатдошимиз – ўзига хос овоз соҳиби – бадиий сўз устаси, конферансье, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўткир Сиддиқовни ана шундай инсонлардан, десак, муболаға бўлмайди.**



*Ўткир Сиддиқов Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент театр ва рассомлик институтининг актёрлик бўлимини имтиёзли диплом билан тамомлаган. «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» унвони соҳиби. Ўзбекистон Давлат филармониясида эллик йилдан ортиқ хизмат қилиб келмоқда. Меҳнат фахрийси.*

**– Ўткир ака, суҳбатимизни «Конферансье ўзи ким?» деган савол билан бошласак.**

– Одатда, ҳар қандай концертнинг нутқ билан боғлиқ қисми конферансьенинг зиммасида бўлади. У томошабинни саҳнага боғлаб туриши керак. Хонанда дастурга киритилган қўшиқни айтиб, саҳнани тарк этаверади. Аммо конферансье кечанинг бошидан охиригача томошабин билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиб туради. Гоҳида саҳнада кутилмаган ҳолатлар (масалан, чироқ ўчиб қолиши, микрофон ишламаслиги) юзага келиши мумкин. Ана шундай ноқулай вазиятда конферансье томошабинни «ушлаб» туриши керак. Хуллас, у уста руҳшунос, ҳазилкаш, ҳозиржавоб, сабрли инсон бўлиши лозим.

Мен конферансьеликка махсус мактабда ўқимаганман. Саҳнанинг ўзи мен учун тажриба мактаби бўлди. Йиллар давомида саҳнага қандай чиқиш, юриш-туриш, сўзлаш услуби, кийиниш маданияти – ҳаммасини иш фаолиятим давомида ўргандим, тажриба орттирдим.

**– Нега бугунги кунда сизга ўхшаган конферансьелар кам?**

– Конферансье бошқа, сухандон бошқа, актёр бошқа. Бугунги кунда конферансье деярли йўқ, аммо бошловчи ижодкорлар талайгина. Афсуски, уларнинг аксарияти бадиий адабиётни, айниқса, шеъриятни ҳис қилмайди, ўқиётган матнини уқмагани яққол сезилиб туради. Ўз ишини астойдил севмаса, фидойи бўлмаса, яхши натижага эришиш мушкул. Саҳнага чиқиб қуруқ хитоб қилган билан одам машҳур бўлиб қолмайди. Айрим бошловчилар конферансьелик санъатидан тўй услубига ўтиб кетишади. Энг ғашимни келтирадигани – асосий эътиборни ташқи кўринишга қаратишади. Уларга айтадиганим: таниқли бўлиш осон, суюкли бўлиш қийин. Бунинг учун эса сенгача шаклланган босқичларни ўрганишинг, ўзлаштиришинг шарт.

Яқинда бир концертга бордим. Бошловчи саҳнага чиқишдан аввал қўлидаги матнга ҳатто бир қур назар солмагани яққол кўриниб турибди. Оддийгина «Ассалому алайкум» деган сўзни қоғозга қараб айтяпти. Томошабинга ҳурмат шуми? Мен саҳнага чиқиб ҳеч қачон биров тузган матнни ўқиб бермаганман. Сценарийни ўзим ёзганман. Ҳалигача хоҳ у катта бўлсин, хоҳ кичик – барча дастурларга алоҳида тайёргарлик кўраман. Набираларимнинг тили билан айтганда, кечалари ўтириб «дарс» қиламан. Шунинг учун режиссёрлар мен билан ишлашга ҳеч қачон қийналмаган.

**– Сўнгги пайтларда баъзи хонандалар ўз концертини ўзи олиб бормоқда. Бунга муносабатингиз қандай?**

– Менга бу саволни аввал ҳам беришган, ўшанда ҳам бу нотўғри эканини айтган эдим. Бу фикрни айтишдан чарчамайман. Чунки улар тушуниб олишсин, хонанданинг ўрни билан бошловчининг ўрни бошқа-бошқа, ахир. Раҳматли Ҳожибой Тожибой билан йигирма йилдан ортиқ бирга ишладик. Масалан, у ҳам концерт дастурини ўзи олиб бораверса бўларди-ку. Лекин бундай қилмаган, чунки саҳна маданиятини тўғри тушунарди.

**– Шунча йиллик тажрибангиз бор, ҳали ҳам саҳнага чиқаётганда ҳаяжон босадими?**

– Барибир ҳаяжонда бўламан. Кейин менинг бир одатим бор: концерт бошланишидан бир соатча аввал ҳеч ким билан гаплашмайман. Барча фикримни бир жойга жамлаб, ўзимни саҳнага тайёрлайман. Тажриба ўз-ўзидан келиб қолмаган, албатта. 1973 йили Москвадаги Кремль санъат саройида Ўзбекистон, Россия, Латвия, Озарбайжон санъат усталари иштирокида концерт бўлиб ўтган. Ўшанда мен Ўзбекистондан биринчи бўлиб бошловчилик қилиш бахтига муяссар бўлганман. Ахир, ўша кезлари бундай катта саҳнага чиқиш осон эмасди-да. Бунинг учун қанчадан-қанча танловлардан, чиғириқлардан ўтганман.







**– Сиз ҳамиша сўз ва овоз билан ишлаб келгансиз. Сўз сеҳри, унинг жозибаси нимада?**

– Сўз – дунёдаги энг кучли лашкар, энг қудратли армия. Биргина сўз орқали бутун дунёни забт этиш ёки ҳалокатга элтиш мумкин. Биргина сўз билан жонни олиш ёки кишига дармон бўлиш мумкин экан.

Сўзларни тушуниб, англаган одам уни шунчаки талаффуз қилолмайди, юрак қаъридан отилиб чиқади айрим сўзлар. Масалан, Абдулла Ориповнинг «Онажон» шеърини неча маротаба ўқиганман, лекин ҳар гал ўқиганимда беихтиёр кўзларимдан ёш сизиб чиқаверарди, кўнглим эзилиб кетаверарди. Мана сизга сўзнинг қудрати, сеҳри, жозибаси.

**– Машҳур кишиларнинг шахсий ҳаёти мухлислар учун доимо қизиқ бўлади. Оилангиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

Нодира Тулабоева и Лола Садыкова – ответственные, исполнительные, не боятся работы, поэтому руководство ГУВД г. Ташкента доверило им серьезные посты. Несмотря на «мужественную» профессию, Нодира и Лола прежде всего женщины, заботливые, любящие мамы, дочки, супруги, во главу угла ставящие семью. Свободного времени у следователей бывает мало, и при возможности они посвящают его семье и детям. Нодире Тулабоевне помогают отвлечься от работы двое сыновей, а еще музыка, которую она любит. Лола Махмуджановна вместе с мужем – сотрудником органов внутренних дел подполковником Акбаром Садыковым, после рабочего дня предпочитают удобно расположиться на диване и послушать концерт в исполнении двух старших дочерей, третьей всего лишь 5 месяцев. Обе наши героини любят баловать домочадцев вкусной едой собственного приготовления.

На вопрос о том, как мечтают провести наступающий праздник, они хором ответили: «Дома, с родными и друзьями!»

Желаем, чтобы мечта их сбылась.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент**
**«На посту».**

# Нужно стремиться к цели



Умная, смелая, ответственная женщина – начальник СО ОВД № 3 УКД ОВД Яккасарайского района подполковник Фатима Туляганова пришла в органы внутренних дел в канун Навруза, в 1999 году. Начала службу экспертом-криминалистом в транспортном подразделении, затем работала инспектором оперативной дежурной части ГУВД столицы. В 2003 году Ф. Туляганову переводят в контрольно-методический отдел (ныне отдел организации следственной деятельности) СУ при ГУВД г. Ташкента. За 14 лет работы в следствии она раскрыла множество преступлений, провела немало суровых будней, пережила не одну бессонную ночь, но ни разу не пожалела о своем выборе.

Как отмечает Фатима Нигмановна, следователь работает во взаимодействии с многими подразделениями органов внутренних дел, ведь к нему стекается вся информация – от подозреваемых, свидетелей, специалистов различных служб. Заканчивает дело и направляет его в суд тоже следователь. Для эффективной работы необходимо знать законодательство, уметь применять знания на практике. Следователь должен быть также хорошим психологом. К каждому человеку, будь то подозреваемый, потерпевший или свидетель, необходимо найти подход, наладить с ним контакт.

– В свое время мой наставник – полковник в отставке А. Байрамов учил быть вежливым, тактичным, уважительным по отношению к человеку, сидящему перед следователем, каким бы ни были его вид и поведение, не поддаваться на провокации, задавать вопросы четко и по делу, – говорит подполковник Ф. Туляганова. – Главное – не только довести дело до конца, но понять, что заставило человека пойти на противоправные действия, как ему помочь, чтобы больше он никогда не повторял ошибок. Его уроки я помню хорошо, советам следую и сегодня, и учу тому же своих учеников.

Как и любая женщина, подполковник после нелегкого трудового дня спешит домой, где ее ждет самый главный мужчина – сын Давлатбек. «Семья – это то, ради чего стоит идти вперед, преодолевать трудности и достигать целей, бороться за справедливость», – признается Фатима Туляганова. Она убеждена: если у женщины есть желание быть хорошим следователем и заботливой мамой, то все у нее получится.

**Диёр-Ильхом ИСХАКОВ.**
**Фото Равиля ВАЛИТОВА.**

ИИВ ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИДА

# ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

**Кўп йиллар ички ишлар органларида хизмат қилиб, истеъфога чиққан фахрийларга эътибор қандай бўляпти? Уларни бирлаштириб турган фахрийлар кенгашларининг фаолиятидан кексаларимиз қониқяптими? Бутун умрини, куч-қуввати, билим ва маҳоратини юрт тинчлиги ва осойишталиги учун сарф этган ички ишлар идоралари фахрийларининг муаммолари ҳал этиляптими? Куни кеча ИИВ Фахрийлар кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ана шу масалалар қизғин муҳокама қилинди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ, вилоятлар ИИБ, ИИВ Академияси, Қоровул қўшинлари фахрийлар кенгашларининг раислари иштирок этди.**

Йиғилиш аввалида ИИВ Фахрийлар кегаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Эркин Норгитов мамлакатимизда кексалар, фахрийларга алоҳида эътибор қилинаётгани, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қарияларнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан ҳам фахрийларга эътибор кучайтирилаётганини айтиб ўтди.

– Жойларда фахрийлар ҳолидан хабар олиш фахрийлар кенгашларининг асосий вазифаси ҳисобланади, – деди нотиқ.– Фахрийларга пул, совғадан кўра, бир оғиз ширин сўз қадрли. Буни пенсияга чиққанлар яхши билади. Пенсияга чиққандан кейин ҳеч ким йўқламай қўйса, ҳар кимга ҳам алам қилади. Шунинг учун фахрийларни, айниқса, ногирон, ёлғиз қарияларни йўқлаб туриш инсоний бурчимиз. Тўғри, вилоят, туман марказларида яшаётган фахрийлар йўқланяпти. Лекин чекка қишлоқлардаги фахрийлар эътибордан четда қолаётгани сир эмас. Шунинг учун ҳар бир туманда фахрийлар кенгаши гуруҳини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Рўйхатдаги ҳар бир фахрийнинг уйига бориб, ҳолидан хабар олинса, биринчидан, унинг маҳалладаги обрўси ошади, яна ички ишлар органларида кексаларга қандай эътиборда бўлинаётганини ҳам билинади. Унинг ходимлар, айниқса, ёш ходимлар билан учрашув ва суҳбатларини кўпроқ ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.



Йиғилишда Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон Алматов ҳам сўзга чиқди.

– Собиқ иттифоқ даврида, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги оғир кунларни бошидан кечирган, барча қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтган, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган фахрийларни эсдан чиқармаслик керак, – деди З. Алматов. – Ўша даврларда нафақат катта шаҳарларда, балки узоқ қишлоқларда хизмат қилган ички ишлар идоралари ходимларига, раҳбарларига ҳам осон бўлмаган. Уларни ҳам тез-тез йўқлаб туришимиз шарт.

Йиғилишда барча вилоятлардан келган фахрийлар кенгашларининг раислари ўзларини қийнаётган муаммолар ва уларнинг ечими бўйича бир қатор таклифлар билдиришди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Р. Хатамов ҳам йиғилишда иштирок этиб, сўзга чиқди. У:

– Янги Ўзбекистонда тинчлик-осойишталикни сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган ички ишлар органлари ходимларига камарбаста бўлаётган фахрийларга вазирлик раҳбарияти номидан миннатдорлик билдирди. Кейинги пайтда ходимлар ўртасида жиноят содир этиш, қонунбузарлик қилиш, интизомсизликларнинг рўй бераётгани уларни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу ишда фахрийларнинг ёрдами жуда асқотади. Фахрийларимиз ёш ходимларни, яъни ўзларининг фарзандларидек бўлган ҳамкасбларини тарбиялашда кўмак беришади, деган умиддамиз. Йиғилишда фахрийлар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар вазирлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқилади ва имкони борича ёрдам берилади, – деди.

Йиғилишда ИИВ Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, истеъфодаги полковник Ғулом Йўлдошевнинг 75 ёшга тўлиши муносабати билан унга вазирлик раҳбариятининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

СОҲАМИЗ МАЛИКАЛАРИ

# ХАЛҚ ИШИДАН САОДАТМАНД ГУЛБАҲОР

**Тўқимачи бекатидаги ХТБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи катта инспектори, майор Гулбаҳор Амантаевани бир қарашда замонавий, хизмат вазифасини масъулият ва қатъият билан адо этадиган, иш фаолиятида ўзига хос фикри, мулоҳазаси билан муаммоли вазиятлар ечимни хамирдан қил суғиргандек зукколик билан ҳал этадиган ички ишлар органи ходими дейиш мумкин. Аммо у билан яқиндан суҳбатдош бўлиб, ҳовлисига райҳон, ўсма экиб, ҳатто ортиғини қўшниларига ҳам улашадиган, фикратидаги ўзбек аёлларига хос меҳр-муҳаббат, оқибат, қўйинки, қалбидаги самимиятга йўғрилган инсонийлик юзига бир ёруғлик, иссиқ истара бўлиб кўчган экан-да, деган фикр ярқ этиб уйғонади.**



У кикбоксинг бўйича икки карра жаҳон чемпиони, кўл жанги бўйича профессионаллар ўртасида жаҳон чемпиони, ММА бўйича «Понкратион»да мутлақ Евроосиё чемпиони, икки карра «Прайд» йўналишида жаҳон чемпиони.

Дастлаб енгил атлетикага бўлган қизиқиши сабаб спорт оламига, кейин ички ишлар органларига ҳам шахдам қадамлар билан кириб келган Гулбаҳор Амантаева мисолида ўзбек аёлининг серқирра фаолиятини кўриш мумкин. Аёл кишидан ички ишлар идорасида фаолият юритишнинг ўзи алоҳида масъулиятни талаб этади. Хизмат вазифасини бажариш билан бир қаторда, спортда эришган муваффақиятларини мустаҳкамлаш ва янада юқори натижаларни қўлга киритиш учун сабр, ирода, матонат, керак бўлганида, ўз ҳаловатидан кечиш Гулбаҳор опагагина хос фазилат, десак асло муболаға эмас.

– Гулбаҳордаги спортчиларга хос шижоат, иштиёқни ниҳоятда қадрлайман, – дейди унинг кикбоксинг бўйича мураббийи Ботир Зокиров. – Машғулотларни асосан иш вақтидан аввал ё ишдан кейин олиб борардик. У спорт залига доим жисмоний имкониятларини ошириш мақсадида ишчан кайфиятда кириб келарди. Спортда фақатгина мураббийнинг йўналиш ва тавсиялари асосида рингда ғалаба қозониб бўлмайди. Бунда спортчининг жисмоний имкониятлари ва тайёргарлиги жуда муҳим. Бу борада Гулбаҳор ишончимни оқлаган энг тажрибали спортчилардан. Қолаверса, ундан яхши мураббий чиқишига ҳам ишонаман.

Ишонч ҳақида сўз борганда, Гулбаҳор Амантаеванинг спорт мусобақалари билан боғлиқ баъзи хотираларини келтириш жоиз: – Ҳар доим спорт мусобақаларига қатнашишим учун Ички ишлар вазирлиги томонидан алоҳида эътибор қаратилган. Замонавий қулайликларга эга спорт залларида машғулот ўтардик.

Қалбдаги эзгу ўй амалларга кўчганда, фаолиятдаги фаоллик атрофдагиларнинг ҳам ҳаётига яхшилик уруғини сочади. Спортда ўзига хос мактаб яратган майор Гулбаҳор Амантаева хизмат ҳудудидаги темир йўл бекати, темир йўл корхонаси, маҳалла, кўп қаватли уйлар, мактабларда хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда вазиятлар ва кўпорувчилик ҳаракатларининг содир этилишига йўл қўймаслик, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, темир йўл бекатларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳар доим ўз вазифасига масъулият билан ёндашади.

– Тўқимачи бекатидаги ХТБ хизмат ходимлари томонидан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасида хизмат ҳудудига тегишли бўлган марказ фуқароларнинг кириб-чиқиш жойлари, Тошкент отрядининг ўқчилар командаси ходимларининг назорат пунктларида назорат ўрнатилади, – дейди Тошкент минтақаси темир йўл Транспортида ХТБ бошлиғи, подполковник Хайрулла Маҳмудов. – Бунда майор Гулбаҳор Амантаеванинг алоҳида ҳиссаси бор. Унинг берилган топшириқларни сидқидилдан ва ўз вақтида бажариши бу ҳудудда келиб чиқиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ички ишлар органлари тизимидаги узоқ йиллик фаолияти мобайнида касбий кўникмаларни яхши ўзлаштирган майор Гулбаҳор Амантаева бу борада ҳамкасбларининг ҳам, хизмат ҳудудидаги фуқароларнинг ҳам эътиборини қозонган. У ҳудуддаги тинчлик-осойишталик, жамоат тартибини сақлашнинг қатъий талабларини миллий қадриятларимиз қатларига сингиб кетган меҳр-оқибат, инсоф-диёнат каби инсоний фазилатлар билан боғлайди.

– Яқинда хизмат билан «Меҳрибонлик уйи»да бўлдик, – дейди Гулбаҳор опа. – Ҳамма нарса муҳайё, аммо болажонларнинг нигоҳидан «Ҳозир эшикдан онам кириб келармикин» деган саволни уқдим. Шу онда юрагимдан ўтказганларимни таърифлаш мушкул, аммо ич-ичимдан уларнинг барчасини бирдек бор оналик меҳримни бериб, бошини силагим келди. Мана баҳор, ҳадемай, Наврўз тантаналари ҳам бошланади. Ҳамкасбларимиз билан шу болалар учун насиб қилса, байрам тадбир уюштиришни режалаштиряпмиз.

Меҳрибон она, жамиятда фаол ва ўз касбининг фидойиси, жонкуяр, тажрибали ходим, моҳир спортчи. Гулбаҳор Амантаеванинг бир аёл сифатидаги ҳаёт кундалигининг ҳар саҳифасида халқ орасида бўлиш, халқ учун ишлаш саодати, ибрат ва эътирофга лойиқ фаолият бор.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА.**

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

**Одатда бу ҳол, кўзнинг оқ пардасидаги майда томирларнинг кенгайиши ҳисобига юз беради. Кўз қизаришининг бир неча сабаблари бўлиб, айрим ҳолларда бу жиддий касалликлар билан ҳам боғлиқдир. Баъзида кўзлар нафақат қизаради, балки ачишади, оғрийди, ёшланади, йиринг ажралади ва қичишади. Натижада одам ёруғликка қарай олмайди ва унда кўзни қаттиқ ишқалаш истаги туғилади. Аммо бундай қилиш ярамайди. Чунки бу билан кўз соҳасига инфекция тушириш ва вазиятни мураккаблаштириш ҳеч гап эмас. Бундай пайтда, албатта, шифокор ёки мутахассисга учраш мақсадга мувофиқдир.**



# КЎЗЛАР НЕГА ҚИЗАРАДИ?

### БУНГА НИМА САБАБ БЎЛИШИ МУМКИН?

Кимёвий моддалар – уларга ювиш воситалари (шампунь, совун), кўз учун мўлжалланган косметик буёқлар киради. Шунингдек, сувига хлор солинган бассейнда узоқ вақт сузиш ҳам кўзларнинг қизаришига сабаб бўлади.

Ташқи таъсир, яъни паст ҳарорат, ультрабинафша нурлар, кучли шамол, чанг-тўзон, кондиционердан чиққан ҳаво ҳам шундай салбий оқибатга олиб келиши мумкин.

Ўсимликлар чанги, ҳайвонлар юнги, чанг-ғубор ҳам кўзлар қизаришини келтириб чиқаради. Шу билан бирга, беморда бурун битиши, тери қичиши ва аллергиянинг бошқа аломатлари кузатилади. Бунда айнан нима аллергияни қўзғатганини аниқлаш ва бу сабабни бартараф этиш муҳим.

Чекиш туфайли ҳам кўзлар қизариши мумкин. Тамаки тутуни томирлар торайишини келтириб чиқаради, натижада кўзлар қон билан етарлича таъминланмайди. Бундан ташқари, сигарета тутуни кўзларнинг шиллиқ қаватига салбий таъсир кўрсатади.

Кўриш аъзоси билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун компьютер ва техника воситаларидан меъёрида фойдаланиш зарур. Шунингдек, иш жойи ёки уй ичидаги ҳавонинг қуриб қолмаслигига аҳамият қаратинг. Хонани намлантириш учун замонавий мосламалардан фойдаланинг ёки шунчаки сув солинган идишни қўйиб қўйинг. Имкон қадар таркибида омега-3 ёғ кислоталари мавжуд бўлган маҳсулотларни истеъмол қилинг. У кўпроқ балиқ ёғида мавжуд. Кун давомида етарли миқдорда суюқлик ичинг. Чунки сувсизликдан барча тана аъзолари қаторида кўзлар ҳам азият чекади.

Кўзингизни намлантириш учун фойдали компресс қилинг. Бунинг учун чой, мойчечак, жўка (липа), гулхайри, ялпиз ёки петрушка дамламасига пахта ёки докани шимдириб, қовоқ устига 5–10 дақиқа қўйиш яхши самара беради. Бодринг бўлакчаси ҳам фойдали компресслардан бири ҳисобланади.

### КЎЗЛАРНИНГ ЗЎРИҚИШИ

Узоқ вақт мутолаа қилиш, телевизор, компьютер экрани ва бошқа электрон қурилмалар қаршисида кўп ўтириш кўриш аъзоси учун зарарлидир. Шунинг учун ҳар 30–45 дақиқада танаффус қилиш, кўз учун мўлжалланган машқларни бажариш мақсадга мувофиқ. Шуни ҳам унутмаслик керакки, кўз шиллиқ



пардасининг намланиши учун уни тез-тез очиб-юмиш зарур. Компьютер ёки телефондан фойдаланганда инсон кўзларини камроқ очиб-юмади, натижада намланиш жараёни сусаяди. Бундан ташқари, компьютер ҳавони мусбат ионлар билан зарарлайди, унинг атрофида зарарланган чанг йиғилади ва бу кўзга таъсир қилади. Оқибатда кўзнинг толиқиши, қуриб қолиши ва қизариши кузатилади. Шу сабабли электрон мосламалардан фойдаланиш чоғида ҳимоя линзалари ўрнатилган кўзойнак тақиш тавсия этилади.

Кун тартибига амал қилмаслик. Ўз вақтида ва меъёрида ухламаслик ҳам шундай оқибатга олиб келади. Кўпчилик тиғиз ишларни уйқу ҳисобига бажаришга уринади. Натижада организм дам олиб, ўз кучини тиклашга улгурмайди. Бу, албатта, кўзларга ҳам таъсир қилмай қолмайди.

**СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР**
Маълумки, алкоголдан маст бўлиш томирлар кенгайишини юзага келтиради ва натижада кўз қизариши кузатилади.

**ҚУРУҚ ҲАВО**
Кўз соҳасининг қуриши ва қизариши кўпроқ қиш ойларида учрайди. Бунга сабаб иситилган хоналарда ҳамда кўчадаги намлик даражасининг пастлигидир.

### ТУРЛИ КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИ

Кўзнинг оқсил пардаси (склерит), мугуз пардаси (кератит) ҳамда рангдор пардаси яллиғланиши, глаукома (кўз ички босимининг ортиши), конъюктивит каби касалликлар турли кўринишдаги жароҳатлар олиш, инфекция тушиши сабабли юзага келади. Бунда кўз қизариши, ёшланиши, қичиши, ажратма чиқариши ёки шишиши, ёруққа таъсирчанлик кузатилади. Кўз пардасига енгил инфекция тушса, бу ҳол ўз-ўзидан ўтиб кетиши мумкин, аммо буни ҳам зинҳор беэътибор қолдириш ярамайди.

### КЎЗ ЁШИНИНГ КАМЛИГИ

Кўз нафақат йиғидан, балки шўр намликнинг етишмаслигидан ҳам қизаради. Чунки кўз ёши муайян ҳимоя вазифасини бажаради.

**БОШҚА КАСАЛЛИКЛАР.** Кўриш қобилиятига алоқаси бўлмаган турли хасталиклар кўзларнинг зарарланишига олиб келиши мумкин. Масалан, юқори қон босими ёки қандли диабет кўзларнинг қон билан таъминланишини қисқартиради. Иммун тизимининг бузилиши ҳам кўзларга салбий таъсир кўрсатади.

Агар кўзларингиз қизарса, аввало, ушбу ҳолатнинг сабабини ўрганиш, бунинг учун эса шифокорга мурожаат этиш ва унинг тавсияларига амал қилиш лозим. Акс ҳолда, бу кўриш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Қизаришни йўқотаман деб ўзбошимчалик билан кўзга зиён етказувчи дорилардан фойдаланманг.

## Қуйидаги машқларни бажариш тавсия этилади:

**1.** Кўзларни икки дақиқа давомида тез-тез ва енгил пирпиратинг.

**2.** Дераза ойнасига бир нуқта чизинг ёки бирон нарса ёпиштиринг. Дераза ортида жойлашган энг узоқ объектни танланг. Бир неча сония унга тикилиб туринг, сўнгра нигоҳингизни ойнадаги нуқтага кўчиринг. Бу машқни бир неча маротаба такрорланг.

**3.** Қаддингизни тўғри ушлаб ўтириб олинг. Кўзни 5 сония қаттиқ сиқиб туринг, сўнгра имкон қадар катта очинг. Бу ҳаракатни 8–10 марта бажаринг.

**4.** Ҳар бир қўлнинг учта бармоғи билан қовоғингиз устига аста босиб туринг, 1–2 сониядан сўнг қўлларингизни олинг. Бу машқни уч маротаба қайтаринг.

**5.** Кўзларингиз билан ҳавода қуйидаги геометрик шаклларни чизинг. Ҳар бир машқни 5–10 маротаба такрорланг.



**6.** Кўзларингизни юминг. Танангиз бўшашиши учун бир неча марта чуқур нафас олинг. Сўнгра кафтларингизни бир-бирига ишқалаб, уларни қовоқлар устига аста босинг, токи илиқ ҳарорат кўзларга ўтсин. Кейин яна кўзни очмаган ҳолда ушбу ҳаракатни такрорланг. Машқни уч маротаба бажаринг.

Бу машқлар ёрдамида кўз соҳасидаги қон айланиши яхшиланади, қовоқ мушаклари мустаҳкамланади, кўз ичидаги намлик даражаси меъёрига тушади, кўриш қобилияти яхшиланади, кўз ёши безлари маромида ишлайди.

**Тавсияларга амал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.**

Гулчеҳра **АЗИМОВА** тайёрлади.

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят масъул котиби Эркин Сатторовга синглиси **Озода САТТОРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги капитан Азимжон Мирзаевга падари бузруквори **ТОПВОЛДИ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, истеъфодаги катта сержант **Мирзаяр МАҲКАМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник **Исоқжон ИСМАТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши истеъфодаги старшина **Раҳматилло САТТОРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

МЕДИЦИНСКАЯ СЛУЖБА

# Высококвалифицированная помощь – каждому

**В Медицинском отделении УВД Самаркандской области идет капитальный ремонт. Но, несмотря на некоторые неудобства, прием пациентов продолжается. Сюда ежедневно в среднем обращаются более 250 работников правоохранительных органов: внутренних дел, прокуратуры, таможни, юстиции, а также пенсионеры и члены семей сотрудников**



Медицинское отделение было создано в 1959 году. Тогда на первом этаже приспособленного здания был открыт медпункт, которым руководила майор Валентина Долгова. Спустя некоторое время на этом месте была открыта поликлиника, где работали 12 специалистов. В 1970-е подразделение было преобразовано в Медицинское отделение УВД Самаркандской области, увеличился штат медработников и количество обслуживающего персонала. Позже, в 2014 году, при отделении открылся госпиталь на 40 коек.

В апреле 2018 года открыли лабораторию, оснащенную анализаторами для проведения иммунохимических исследований и диагностики инфекционных заболеваний, а также микропланшетным промывателем для ИФА-исследований.

– Теперь пациенты могут сдавать кровь у нас, не тратя время на поездку в центр по борьбе со СПИДом или инфекционную больницу, – говорит заведующая лабораторией Мавлюда Чуянова. – Ежедневно обследуем более 60 пациентов. Все услуги для прикрепленного контингента производятся на бесплатной основе.



В мае 2018 года в Медицинском отделении УВД области появились платные услуги по оказанию консультативной и лечебно-диагностической помощи гражданам, не являющимся прикрепленным контингентом. Сегодня отделение обсуживает более 20 тысяч человек. Квалифицированную медицинскую помощь оказывают более 50 специалистов.

– Для повышения квалификации медперсонала в учреждении проходят тактические учения, – говорит начальник центра санитарно-эпидемиологического надзора Медицинского отделения УВД Самаркандской области старший лейтенант Жамшид Бойтураев. – На днях при поддержке руководства УВД Самаркандской области совместно с работниками отдела здравоохранения и ЦСЭН области провели учебно-тактическое занятие по предупреждению проникновения и распространения на вверенной территории коронавируса. Занятия состояли из теоретической и практической частей.

Отработаны последовательность и порядок транспортировки, размещения больных с подозрением на коронавирус в госпитали, изоляторы и обсерваторы, организованные на базе клинической инфекционной больницы. Для проведения учений было использовано пять специальных транспортных средств, привлечены 34 сотрудника и наблюдателя.

По словам руководителя Медицинского отделения полковника Наргиз Каримовой, по инициативе руководства УВД Самаркандской области в первой половине 2020 года планируется начало строительства нового госпиталя УВД на 100 коек, который будет оснащен современной техникой для диагностики и лечения различных заболеваний. Коллектив отделения старается сделать все возможное для того, чтобы каждый, кто обращается к ним, в любое время мог рассчитывать на получение высококвалифицированной помощи.

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Самаркандская область.*

ЗДОРОВЬЕ

# Готовимся к 8 Марта: ТОП-3 однодневных диет



**Весна, а вместе с ней близится 8 Марта – тот день, когда абсолютно все женщины одновременно мечтают выглядеть превосходно. Накануне празднования советуем вам взять на заметку варианты однодневной диеты**



Разгрузочный день, или однодневная диета, – быстрый и эффективный способ очистить организм и стать немного стройнее.

Рассмотрим варианты разгрузочных дней.

**Вариант 1** – гречневый.

Необходимо сварить стакан гречневой каши и разделить ее на 5 приемов. Можете добавить в свое меню салаты из свежих овощей и зелени, заправленные растительным маслом.

**Вариант 2** – рыбный.

Приготовьте 400 г несоленой вареной рыбы, разделите ее на 5 приемов. Потребляйте рыбу вместе с овощным гарниром.

**Вариант 3** – рисовый.

Приготовьте 150 г несоленого риса и разделите его на 5 приемов. Съешьте в течение дня.

**Напомним, как правильно проводить разгрузочный день.**

*Пейте больше воды.* Если вы твердо решили устроить разгрузочный день, тогда сделайте потребление воды своим приоритетом.



*Постарайтесь отказаться от сахара.* В разгрузочный день следует полностью исключить из своего меню сладкие продукты. К тому же сладости только усиливают жажду. Лучше заменить их свежими фруктами и овощами – это и вкуснее, и полезнее.

*Дайте своему организму хорошенько отдохнуть.* Если вы запланировали разгрузочный день, желательно перенести дела на другое время. Этот день посвятите отдыху, приятным мелочам и уходу за собой.

*Ешьте питательные продукты.* Разгрузочный день – не голодовка, поэтому утро начните с питательного коктейля, на обед приготовьте салат из капусты и других овощей, а на ужин съешьте порцию овощного супа.

*Не отказывайтесь от движения.* Обязательно выделите полчаса на тренировку. Это не должно быть интенсивное занятие, достаточно будет легкой разминки, занятия йогой или длительной прогулки на свежем воздухе, поскольку движение способствует улучшению метаболизма.

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

**Подготовлено по материалам интернета.**

СПОРТ

# СИЛЬНЕЙШАЯ КОМАНДА

**В преддверии 8 Марта в столице в Межвузовском спортивном комплексе состоялись спортивные соревнования среди 23 женских команд, представляющих все министерства республики**




В рамках состязания, которое проводилось под лозунгом «Спорт – источник женственности и здоровья», прошли соревнования по настольному теннису, гимнастраде, легкой атлетике, бадминтону, плаванию, шашкам и шахматам. Все без исключения представительницы прекрасной половины человечества продемонстрировали сплоченность, командный дух и неуемную волю к победе, что, конечно же, не преминуло отразиться на результатах.

Успешно выступила команда МВД, ставшая лучшей в номинации «Сильнейшая команда». Блестящие результаты показали Е. Тулупова, З. Мирзаахмедова, Н. Ражабова, Н. Талбабаева, Ч. Каюмходжаева.

По окончании соревнований команды-победительницы были удостоены дипломов и ценных призов.

– Анализируя выступление наших девушек, хочу отметить, что их спортивный уровень и мастерство заметно возросли, – говорит начальник отделения БСП МВД Республики Узбекистан подполковник Наргиза Миржалолова. – Это свидетельствует о том, что занятиям физкультурой и спортом в подразделениях уделяется пристальное внимание. Хочется подчеркнуть, что подобные соревнования формируют у женщин и девушек, вставших в ряды правоохраны, чувство локтя, взаимовыручку и умение работать в команде.

Пользуясь случаем, хотелось бы поздравить участниц, призеров и победительниц данных соревнований с наступающим Международным женским днем 8 Марта и пожелать от всей души крепкого здоровья, семейного счастья и блестящих спортивных побед!

**Соб. корр.**

## ЗА РУБЕЖОМ

### Почти столетняя китаянка поборола коронавирус

В Ухане (Китай) 98-летняя местная жительница, заразившаяся коронавирусом, благополучно вылечилась и покинула больницу, пишет «Синьхуа».

На сегодняшний день бывшая пациентка по фамилии Ху является старейшей жительницей земли, поборовшей COVID-19.

По данным агентства, старушка была доставлена в больницу с высокой температурой в критическом состоянии. Вместе с ней госпитализировали и ее 55-летнюю дочь, у которой также обнаружили коронавирус.

Обе женщины прошли курс с применением противовирусных препаратов и вскоре почувствовали себя лучше. Через некоторое время 98-летнюю пациентку выписали домой.





### Коррупционер в России пытался проглотить документ и ...подавился

В Иркутске правоохранители пришли с обыском в областной сельхознадзор. Одного из чиновников заподозрили во взятке за выдачу разрешений на экспорт леса.

Во время обыска и задержания чиновник пытался прямо на глазах у правоохранителей проглотить документ, сообщает MK.ru. Однако скрыть следы преступления так просто не получилось, потому что мужчина подавился бумажкой.

На помощь чиновнику пришел один из силовиков. Он похлопал чиновника по спине, чтобы тот выплюнул документ. По информации СМИ, там были данные черной бухгалтерии.

## ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ
### (с 9 по 15 марта)



**Овен.** Не спешите сейчас, многие решения лучше хорошенько обдумать. В финансовых вопросах консультируйтесь со специалистами. Любые сделки с недвижимостью в эти дни крайне нежелательны. В выходные займитесь делами, которые откладывали на потом.



**Телец.** Решительность и уверенность в себе сейчас не помешают. Не бойтесь высказываться, если задевают ваши интересы. Для успокоения ума займитесь домашними делами – и квартира будет в порядке, и вы обретете душевную гармонию!



**Близнецы.** Довольно непросто будет противостоять соблазнам, однако придется это сделать. У многих Близнецов именно сейчас могут разладиться отношения с партнерами. В целом старайтесь в эти дни быть мягче и чаще идти на компромисс.



**Рак.** Пожилые родители будут нуждаться в вас – не отказывайте им во внимании. Сами тоже не бойтесь обращаться за помощью к коллегам, если она будет нужна. Ближе к середине месяца придется краснеть за оплошность, совершенную не так давно. Держитесь!



**Лев.** Посвятите большую часть времени общению с семьей и близкими. Идеально, если сможете устроить совместный отпуск. Сейчас можно и нужно тратить заработанные деньги: покупки окажутся удачными.



**Дева.** Важные дела лучше завершить сейчас: потом они принесут немало хлопот. Постарайтесь в это время не давать обещаний, особенно людям, с которыми мало знакомы. Сосредоточьтесь на работе или учебе, домашние дела пока можно отодвинуть на второй план.



**Весы.** Правило бумеранга будет работать отлично: как вы к людям, так и они к вам. Непростые задачи поставят перед вами дети. Будьте готовы разбираться с ними. Одиночки смогут найти вторую половину, если в выходные пойдут куда-нибудь развеяться.



**Скорпион.** Даже если настроение будет на нуле в эти дни, постарайтесь поднять его, даже искусственно. Многие события будут зависеть от того, как вы к ним отнесетесь. Те, кто давно хотел заняться спортом, – дерзайте! Вам будет легко войти в режим тренировок.



**Стрелец.** Энергии сейчас у вас будет, как никогда, много. Главное – направить ее в правильное русло. Старайтесь не ссориться, особенно с близкими людьми. Конфликты, начатые в этот период, разрешатся нескоро. С 13 по 15 марта порадуйте себя чем-нибудь приятным.



**Козерог.** Не время скромничать! Покажите свои сильные стороны окружающим. Период благоприятен для людей творческих профессий: муза посетит вас. Не рекомендуется брать деньги в долг. Особенно аккуратными с финансами стоит быть 12 марта.



**Водолей.** Любые знакомства, которые случатся в вашей жизни сейчас, будут иметь продолжение. Возможен и романтический подтекст. В целом время сейчас лучше проводить активно. Распланируйте неделю так, чтобы был минимум свободных дней.



**Рыбы.** Идеальное время для штурма карьерной лестницы! Будьте готовы проявить себя перед начальством. Домочадцы нагрянут со своими проблемами – придется помочь. Силы к концу периода будут на исходе. Черпайте энергию из времени, проведенного в одиночестве.

Если тебе тяжело, значит ты поднимаешься в гору.
Если тебе легко, значит ты летишь в пропасть.

Генри Форд.

# ХУШ КЕЛДИНГ, БАҲОР!

*Жуда қизиқ, негадир одам баҳорни соғиниб-соғиниб кутади. Шундай соғинадики, гўё ёрни соғингандай. Онасини соғинган бола каби талпинади. Юраклари ўртаниб, ҳайратлари ҳапқириб соғинади. Гўё баҳор келса, унинг ҳамма иши битадигандай, ташвишлари чекиниб, муродига етадигандай. Баҳор келиши билан инсон умрига, ҳаётига файз, мазмун кирадигандай туюлади. Балки, инсон феълидаги ёшаришга, яшнашга, қайта яшашга бўлган мойиллик шундай соғинчга олиб келар. Балки, шунинг учун ҳам баҳорни соғинармиз.*

*Дейдиларки, баҳор бошланар,*
*Жилғаларнинг шўх кулгусидан,*
*Бойчечакнинг табассумию*
*Куртакларнинг туғилгусидан.*

*Дейдиларки, келади баҳор,*
*Тоғлар ошиб, адирлар ошиб,*
*Ялпизларнинг бўйлари билан,*
*Шаббоданинг куйидай шошиб.*

*Дейдиларки, умид қил, маъшуқ,*
*Жамбил бўйли кунлар келади.*
*Қучоғида бир дунё сирлар,*
*Кўнгли ғунча тунлар келади.*

*Дейдиларки... Йўқ, ундай эмас,*
*Бу сўзларнинг бариси бекор!*
*Ишққа ташна, яшилликка ўч,*
*Юрагимдан бошланар баҳор!*

**Фарида АФРЎЗ.**



## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ *** СЎРАГАН ЭДИНГИЗ *** СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

### Ҳурматли ИИВ академик лицейларининг битирувчилари, ўзингизни қизиқтирган саволларнинг жавобларини ўқишга шошилинг!





**1. ИИВ академик лицейи битирувчиларига қайси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзлар берилади?**

Мазкур таълим муассасаларининг битирувчиларига ИИВ Академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси (аввалги ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти) ва Миллий гвардия Ҳарбий-техника институтига ўқишга киришда уларга тест синовлари давомида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 10 фоизи миқдоридаги қўшимча баллар имтиёзли равишда қўшиб берилади. Бошқа олий ўқув юртларига кириш учун эса имтиёзлар мавжуд эмас.

**2. Хизмат бурчини бажариш чоғида ногирон ёки ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари ИИВ академик лицейини битирганларидан сўнг, уларга қайси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзлар берилади?**

Ушбу тоифадаги лицей битирувчилари ИИВ Академиясига ўқишга киришда махсус касбий танловдан ўтганидан сўнг, якка тартибдаги якуний суҳбатларсиз, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ва Миллий гвардия Ҳарбий-техника институтига эса, ушбу танловдан кейин, тест синовларисиз курсантликка қабул қилинади. Шунингдек, вазирликнинг тавсияномаси билан мамлакатимиздаги ўзи истаган фуқаролик олий таълим муассасасига тест синовларисиз грант асосида ўқишга кириши мумкин.

**3. Олий таълим муассасасига кира олмаган ўқувчилар ички ишлар органлари ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ва ташкилотларга хизматга қабул қилинадими?**

Юқорида номлари келтирилган олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган ИИВ академик лицейларининг битирувчилари ИИВ томонидан белгиланадиган имтиёзлар асосида ички ишлар органларидаги сафдорлик лавозимларига хизматга қабул қилинади. Ҳозирги кунда уларни Миллий гвардия қўриқлаш бўлинмалари ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларига ҳам имтиёзли равишда хизматга қабул қилиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

**«Postda» мухбири**
**Михли САФАРОВ тайёрлади.**

## ДИҚҚАТ: ЯНГИ РУКНЛАР!

ИИВ Бирлашган таҳририятининг сайти, телеграм мессенжерларида **«КУН ҚАҲРАМОНИ»**, газетада эса **«ҲАФТА ҚАҲРАМОНИ»** рукни ташкил этилди. Ушбу рукнлар остида хизмат жараёнида ижобий натижаларни қўлга киритган, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга, ўзининг хизмат ҳудудида тинчлик-осойишталикни сақлашга муносиб ҳисса қўшаётган, жиноятларни фош этишда, жиноятчиларни қўлга олишда мардлик, жасорат намуналарини кўрсатган, жамоат ташкилотлари билан мунтазам равишда ҳамкорлик олиб борадиган ҳамда ватанпарварлиги билан сафдошларига намуна бўлаётган ходимлар ҳақида лавҳалар бериб борилмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад уларни маънан рағбатлантириш баробарида, бошқа ходимларни ҳам фидойи ҳамкасбларидан ўрнак олишга даъват этишдир.

Шу сабабли жойлардаги ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмалари кадрлар хизмати раҳбарларидан ана шундай эътирофга лойиқ бўлган жонкуяр посбонларимиз ҳақида маълумот ва уларнинг суратини жўнатишини кутиб қоламиз!



**Postda**
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
podpolkovnik Qobuljon SHOKIROV
leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
katta leytenant
Mixli SAFAROV
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
**Faks:** 71-231-40-05.

**Obuna masalalari bo'yicha:**
71-231-38-74;
95-177-32-31

**Web-site:** www.postda.uz
**E-mail:** info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami
20210000900447980001
MFO 00420.
ATIB
«Ipotekabank»
Mirobod
tuman bo'limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4094.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 57 502 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.